



ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 47 (956) • 2013-yil, 22-noyabr, juma

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21 ноябрь куни Оқсаройда Осие тараққиёт банки (ОТБ) президенти Такехико Накаони қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, ОТБ билан мамлакатимиз ўртасида мустаҳкам ва ишончли ҳамкорлик қарор топганини, ушбу банк Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаб, тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишга катта ҳисса қўшаётганини таъкидлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон — ОТБ ҳамкорлиги 14,5 миллиард АҚШ долларига тенг 40 лойиҳани ўз ичига олган. Бу лойиҳалар учун ОТБнинг умумий қиймати 4,9 миллиард доллардан зиёд ресурслари жалб қилинган. Ҳамкорликда Таллимаржон ИЭСида 900 МВт қувватга эга бўлган иккита буғгаз қурилмаси барпо этиш, автомобиль йўллари қуриш ва уларни реконструкция қилиш бўйича кенг қўламли дастур, Сурғил қони негизда Устюрт газ-кимё мажмуини барпо этиш, қишлоқ жойларда уй-жой қуриш дастури каби стратегик муҳим инвестициявий лойиҳа ва дастурлар амалга оширилмоқда.

Музокарада томонлар Ўзбекистон билан мамлакатимизнинг етакчи халқаро молиявий шериғи бўлган Осие тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорлик стратегия аҳамият касб этиши ва узоқ муддатли асосга эга эканини мамнуният билан таъкидладилар.

Айни пайтда ОТБнинг Осие минтақасида қуёш энергетикасини ривожлантириш борасидаги ташаббусини рўёбга чиқариш икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидан биридир. Бу ташаббус ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг 2010 йил май ойида Тошкентда бўлиб ўтган йиллик мажлисида илгари суртилган эди. У, жумладан, яқин йилларда Осиеда 3 минг МВт қувватга эга қуёш электростанциялари қуришни кўзда тутди.

Мазкур ташаббус доирасида Ўзбекистон ва ОТБ Самарқанд вилоятида 100 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектрик станциясини қуриш лойиҳасини амалга оширишга киришди. Мазкур станция минтақамизда бу йўналишдаги илк станция бўлади. ОТБ билан биргаликда 2013 йилда Тошкентда Халқаро қуёш энергияси институти ташкил этилди. Бу муассаса нафақат Ўзбекистон, балки бутун Осие китъасининг бошқа мамлакатларида ҳам қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтиришга қаратилган янги қўшма лойиҳаларни амалга оширишда муҳим омил бўлади.

Осие қуёш энергияси форумининг Тошкентда ўтаётган 6-мажлиси ушбу соҳада

Ўзбекистон билан ОТБ ўртасида кенгайиб бораётган ҳамкорликнинг мантиқий давомидир. Бу анжуманда ҳукуматлар, халқаро молия институтлари, ускуна ишлаб чиқарувчи компаниялар, илмий-тадқиқот марказларидан қарийб 300 нафар вакил, Осие мамлакатларидан, шунингдек, Европа, Шимолий ва Жанубий Америкадан қуёш энергияси соҳаси бўйича мутахассислар ва экспертлар қатнашмоқда.

ОТБ президентининг ушбу ташрифи доирасида "Самарқанд шаҳрида 100 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектрик станциясини барпо этиш", "Аму-Бухоро ирригация тизимини реабилитация қилиш" ҳамда "Кичик ва микромолиялашни ривожлантириш" лойиҳалари бўйича умумий қиймати 380 миллион АҚШ долларига тенг молиявий битимлар имзоланди.

Учрашувда Т.Накао ОТБ томонидан кўп томонлама ҳамкорликда амалга оширилаётган, бутун минтақа учун катта аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаётгани учун Ўзбекистонга миннатдорлик билдирди.

Сўхбат чоғида узоқ муддатли ва ўзаро манфаатдорлик асосида икки томонлама ҳамкорлики, шунингдек, минтақавий лойиҳаларни амалга оширишда биргаликдаги сўй-ҳаракатларни кенгайтириш ва ривожлантириш истиқболлари юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

Айни пайтда томонлар 2014-2016 йилларга мўлжалланган Икки томонлама ҳамкорлик дастурини муҳокама қилмоқда. Бу ҳужжатда нефть-газ сектори, электр энергетикаси, транспорт инфратузилмаси, сув таъминоти, уй-жой қурилиши, кичик бизнес, соғлиқни сақлаш, таълим ва коммунал соҳа каби йўналишларда устувор лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Томонлар мазкур Дастур ўзаро шериклик муносабатларини сифат жиҳатидан янги мазмун билан бойитишига, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш учун пухта замин яратишига ишонч билдирдилар.

Т.Накао самимий қабул ва ОТБнинг Ўзбекистондаги фаолиятига берилган баҳо учун Президентимиз Ислом Каримовга миннатдорлик билдириб, Осие қуёш энергияси форумининг 6-мажлиси Тошкентда ўтказилиши қўллаб-қувватлангани ва юксак савияда ташкил этилгани учун ташаккур изҳор этди.



8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

Мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор

Эркинлик, тенглик, адолат, мафқуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги, ҳокимиятнинг сайлов асосида вужудга келиши, ҳокимиятлар бўлиниши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд қарорисиз маҳрум этиб бўлмаслиги, айбсизлик презумпцияси — буларнинг барча-барчаси демократиянинг энг муҳим белгилари бўлиб, демократик давлатлар конституцияларининг муҳим принципларини ташкил этади.

Шу маънода айтиш жонли, юқорида келтириб ўтилган демократик принципларни ўзида мужассам этган Қомус — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун мустақил Ўзбекистон тараққиётида беқиёс сиёсий, ҳуқуқий ва халқаро аҳамиятга молик тарихий

кун бўлиб қолди.

Конституция давлат билан шахс ўртасидаги ўзаро ҳуқуқлар ва бурчлар белгилаб олинган ўзига хос аҳднома, десак ҳам муболага бўлмайди. Зеро, Асосий Қомусимизда давлат ўзига бир қатор ўта муҳим мажбуриятларни олганки, унга кўра давлат

халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади, давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.



OSIYO QUYOSH ENERGIYASI FORUMINING 6-YIG'ILISHI
20-23 noyabr 2013 * Toshkent

6th MEETING OF THE ASIA SOLAR ENERGY FORUM
20-23 November 2013 * Tashkent

6-е ЗАСЕДАНИЕ АЗИАТСКОГО ФОРУМА СОЛНЕЧНОЙ ЭНЕРГИИ
20-23 ноября 2013 * Ташкент

Халқаро форум иштирокчилари Самарқандни зиёрат қилди

«Қуёш энергияси технологиялари тенденция ва истиқболлари» мавзусидаги Осие қуёш энергияси форумининг олтинчи мажлиси иштирокчилари 21 ноябрь куни Самарқандга ташриф буюрди ва қуёш фотоэлектр станцияси лойиҳасининг тақдимида иштирок этди.



Бандлик дастури: меҳнат бозори эҳтиёжлари ҳисобга олинмоқда

Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Собир Турсунов олиб борган мазкур йиғилишда "2014 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури" лойиҳаси муҳокама этилди.



Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг тақлифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 2013 йил 25-26 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Олий даражадаги учрашувлар ва музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳоли, уни янада ривожлантириш истиқболлари, муҳим минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама этилади.

Ташриф якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Кўшма баёнотини қабул қилиш, турли соҳаларга оид икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳужжатларни имзолаш мўлжалланмоқда.

Ватан маҳалладан бошланади

Эътироф

Маҳалла ҳақида сўзлаганда, қалбимиз беихтиёр фахр-ифтихорга тўлади. Ушбу сўзнинг ҳар биримизда илиқ таассурот уйғотишининг боиси, бизнинг ўтаётган ҳар лаҳзамизга шериклигидан, янада-да аниқроқ айтадиган бўлсак, уни қувончу дардимизга гувоҳ маскан бўлгани учун қадрлаймиз.

Ушбу кадр-қиммат яқин кунларда пайдо бўлгани йўқ, албатта. Аждодларимиз азалдан бирон ишга қўл урмоқ нияти-

да бўлсалар, албатта, маҳалла аҳли билан маслаҳатлашиб, иш тутган. Халқимизда "Қўпнинг маслаҳати билан битган

иш унумли бўлади". "Қўпдан қолма", "Эл назаридан қолма", деган тушунчалар ҳам шундан келиб чиққан аслида. Маҳалла бугунги кунда давлатимизнинг асосий таянчларидан бирига айланди. У халқчил, ўзини ўзи бошқарувчи жамоат органи сифатида маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг вазифаларини уддалашга қодир эканини амалда иш-бот этди.



«ОБУНА — 2014»

Қадрли юртдошлар! Азиз муштарийлар! «Adolat» газетаси — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир.

2014 йил учун обуна давом этмоқда.

Обуна бўлинг!

«Adolat»нинг нашр индекси — 100

«Adolat» ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!



Эзгуликдан порлаган зиё

Конституциямиз ҳуқуқий жиҳатдан ҳаёtimизнинг барча соҳаларини қамраб олганлиги билан ҳам биз учун янода қадрлидир. Жумладан, Асосий Қонунимизда давлат тили ўзбек тили эканлиги алоҳида белгилаб қўйилган.

Ўзбек тилига расмий давлат тили мақоми берилганлигига йигирма тўрт йил тўлди. Албатта, бу тарих учун унча катта муддат бўлмаса-да, ўтган давр мобайнида миллий тилимизнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ мавқеини ошириш, софлигини сақлаш, йўқолиб кетган сўзларни қайта тиклаш, бу борадаги қонунчилигимизнинг маъно-мазмунини ёш авлод онига сингдириш йўлида улкан ишлар амалга оширилди.

Марказда ва жойларда "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг амалга оширилиши бўйича мувофиқлаштирувчи тил комиссиялари тўзилиб, барча қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат тилида эълон қилиниши, давлат бошқаруви органлари, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг муҳрлари давлат тилида юритилиши, республиканинг маъмурий ҳудудий бирликлари, майдонлари, кўчалари ва географик объектларининг номлари давлат тилида акс эттирилиши таъминланган.

Ўтган давр мобайнида кўлга киритилган улкан ютуқларимиздан яна бири — жамиятимиз аъзоларининг тилга бўлган муносабати ўзгариб, тил маданияти юксалиб бораётганлигидир. Ваҳоланки, ўзбек тилининг ривожини таъминлаш, аввало, жамият аъзоларининг миллий тилга бўлган муносабати қонунга бўлган ҳурмати ва Ватанга бўлган муҳаббатига боғлиқ.

Давлат тилининг ривож топишида ўзбек тили дарси мазмунан ислоҳ қилинган, шу асосда тўлдирилган ва такомиллаштирилган янги дарсликлар яратилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Таълим муассасаларида "Тилни эъозлаган — элни эъозлайди", "Тил — миллий гурури", "Она тилим — жону дилим" каби мавзуларда давлат тилига бағишлаб қатор тадбирлар ўтказилаётгани, аҳоли ўртасида тилни ривожлантириш

га ва такомиллаштиришга оид давра сўхбатлари ташкил этилаётгани унинг янода равнақ топишига хизмат қилмоқда.

Бундай саъй-ҳаракатлар баркамол авлод онгу шуурида она тилига ҳурмат ва муҳаббат туйғуларини кучайтириш, уларни миллий-маданий меросга, шу жумладан, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган она тилига иштиёқ руҳида тарбиялашга қаратилгани билан ҳам гоят муҳим бўлиб, келажакимиз воришларида миллий ўзлигини англаш, Ватанга муҳаббат, унинг тақдири учун дахлдорлик, фидойилик туйғуларини мустақам қарор топтиришининг асосий омилларидан биридир.

Мамлакатимизда ўзбек тили эркин қўлланилмайдиган биророта соҳа йўқ. Миллий тилимиз ўзининг кенг имкониятларини барча соҳалар сингари энг мураккаб илм-фан, ахборот-коммуникация технологиялари, молия-банк тизими ва бошқа жараёнларда ҳам тўлиқ намоён қилмоқда. Ўзбек тилининг компьютер ва интернет, аниқ фанлар, тиббиёт, иқтисодиёт каби махсус термин ва тушунчаларни талаб қиладиган соҳаларда ҳам кенг қўллана бошлагани унинг имкониятлари нечоғлиқ катта эканини кўрсатади.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, мамлакатимизда оқилон ва ниҳоятда холислик билан амалга оширилаётган тил сиёсати барча демократик таъминларга мос келади. Буни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасидаги "Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудидида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва аънавалари ҳурмат қилиниши таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратлади", деган меъёрлар мисолида кўриш мумкин.

Шу сабабли юртимизда таълим еттида тилда — ўзбек, қоракалпоқ, рус, қозоқ, киргиз,

туркман, тожик тилларида олиб борилади. Жумладан, фарзандларимизнинг 4099428 нафари ўзбек тилида, 335842 нафари рус тилида, 91091 нафари қоракалпоқ тилида, 76702 нафари тожик тилида, 61873 нафари қозоқ тилида, 9178 нафари киргиз тилида, 8363 нафари туркман тилида умумий ўрта таълим олмақдалар. Бу эса юртимиздаги турли миллат болаларига ўз она тилларида таълим олиш имконияти яратиб берилганлигидан далолатдир. Бу тилларнинг барчасида дарслик ва ўқув адабиётлари нашр қилинмоқда.

Тил билиш бу энг аввало маданият, қолаверса, юксаклик тимсолидир. Халқимизнинг "Тилини билсанг — дилини биласан", деган пурмаёно ҳикматлари бежиз эмас. Умумий ўрта таълим мактабларида ўзбек тили билан бир вақтда хорижий тилларни ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 6184 та мактабда инглиз тили, 2136 та мактабда немис тили, 1454 та мактабда француз тили, 105 та мактабда бошқа хорижий тиллар ўрганилмоқда.

Мустақиллик шарофати билан тилимизнинг нуфузи бошқа халқаро тиллар сингари нафақат Ватанимизда, балки чет элларда ҳам ошиб бормоқда. Унинг жозибаси хорижликларни ҳам ўзига мафтун қилмоқда. Оммавий ахборот воситалари орқали чет эллик меҳмонларнинг ўзбек тилида сўзлаганларини эшитиб қоламиз. Бизнинг тилимизда бошқа миллат вакиллари, айниқса, хорижлик меҳмонлар сўзлашганини эшитганимизда қалбимиз гурур ва ифтихор туйғулари билан тўланади. Бу албатта, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни тобора мустақамлашиб бораётганидан далолат беради.

Хуллас, биз Ватанимиз равангини, келажакимизни ўзбек тилисиз тасаввур қилолмаймиз. Зеро, тилимиз барча эзгу ишларимиздан таралган зиё тарихида миллатимиз шаъни ва гурури бўлиб ёғду сочин.

Абдуқамол РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
фракцияси аъзоси

Мустақкам ҳуқуқий пойдевор

Давоми. Бошқа 1-бетда

Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади, давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади, давлат маданият ёдгорликларини, ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захираларни, хусусий мулкни, оилани, оналик ва болаликни ўз муҳофазасига олади, давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Ўтган йигирма бир йил мобайнида жамиятимизда, ҳар қайси оила ва ватандошларимиз ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар содир бўлаётган бўлса, буларнинг барчаси Конституциямизда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларга оид қоидаларнинг ҳаёtimиздаги амалий ифодаси бўлиб хизмат қилмоқда. Конституциямизнинг асосий моҳияти ҳам инсонга муносиб ҳаёт шароитлари яратилиш, уни бахтли қилишдан иборатдир.

Асосий Қомусимиз ўзида инсон — оила — жамият — давлат манфаатларини уйғунлаштиригани сабабли, мазкур ҳужжат ҳаёtimизнинг барча соҳаларида олиб борилаётган ислохотларнинг самарали, муваффақиятли бўлишини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатламоқда.

Мустақил Ўзбекистон Конституциясининг тарихида синалган умуминсоний, умумбашарий

қадриятларни ўзида мужассам этган, энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган, умумий мазмунидан тортиб оддий бандага қадар миллий тафаккурни, муқаддас қадриятларни, шу азиз ва муқаддас заминимизда истиқомат қилаётган инсонларнинг дунёқаролини, уларга хос ўзаро муносабатларни, ҳусусиятларни, меҳроқибат, одамлилик, ўзга миллат ва элатларга нисбатан ҳурмат, илму фанга интилиш, орномус, ифрат ва ҳаё каби эзгу фазилатларни ўзида акс эттиради. Унинг 45-моддасида вояга етмаганлар, меҳнатга қабил қилмаганлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги, 64-моддада эса ота-оналар ўз фарзандларини вояга етунларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбур эканликлари, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан махрум бўлган болаларни бо-

қиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантириши, шунингдек 66-моддада вояга етмаган, меҳнатга қабил фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур эканликларини мустақамлайди.

Асосий Қомусимиз 128 моддадан иборат бўлгани ҳолда унинг 30 дан ортиқ моддалари бевосита инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишлангандир. Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг деярли барча принциплари қоидаларини ўзида мужассамлантириб, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устуңлиги таъминланишини қайд этади, унга кафолатлар беради. Ўтган йиллар давомида парламентимиз томонидан инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини тартибга соладиغان 15 та кодекс ва 400 дан ортиқ қонунлар


қабул қилинди. Ўзбекистон биринчи ратификация қилган ҳужжат ҳам Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бўлди. Истиқлол йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан ортиқ асосий ҳужжатга қўшилди, БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган олти асосий халқаро шартнома катнашчисига айланди. Ўтган давр мобайнида БМТнинг шартномавий қўмиталарига мазкур халқаро ҳужжатларнинг бажарилиши бўйича 30 дан ортиқ Миллий маъруза тақдим этилди.

Конституциямиз шунингдек, ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, гоёсига кўра янги ҳужжат бўлиб, унда коммунистик мафкура, синфийлик, партизандарнинг асар ҳам йўқлиги, викиликдан асар ҳам йўқлиги, янги институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши ва ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслигини кафолатлайди.

Конституциямизда демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши (13-модда), давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаши (43-модда), ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланиши (44-модда), фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафили эканлиги (93-модда) мустақамлаб қўйилди. Конституцияни махсус муҳофаза қилиш мақсадида Асосий Қонунимизда Конституциявий суд ташкил этилиши белгилаб қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, Конституция биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки гурур-ифтихор, шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун мустақам бир ҳимоя, қонун олдида ҳамманинг тенглигини таъминлайдиган, ҳар бир инсоннинг ўз фикрини эмин-эркин ифода қилишида, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб этишида, бурч ва масъулиятларини бажаришида бамисоли қалқон бўлиб хизмат қилмоқда.

Мирвал Миррақулов,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинги институти
бўлим бошлиғи,
юридик фанлар номзоди



Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан. 41-модда.



Эркинлик ва тенглик кафолати

Конституция нафақат давлат тузуми, давлат ҳокимияти ва бошқарувини ташкил этиш принципларини, балки ижтимоий ҳаёт меъёрларини ҳам белгилаб беради.

Конституциявий ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, конституция ўзининг асосий қоидаларини ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш учун кенг имконият яратлади.

Асосий конституциявий қоидалар, принциплар юридик базани ташкил қилади. Ушбу юридик база негизда эса ҳуқуқнинг барча — молиевий, фуқаролик, жинсий, меҳнат ва бошқа соҳаларининг нормалари мужассам. Ҳар қандай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат (қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқалар)

конституцияга асосланади. Бошқача айтганда, конституция барча қонун ҳужжатларининг асоси, манбаи ҳисобланади.

Маълумки, асосий қонунда бошқа барча жорий қонунлар учун асосий аҳамиятга эга гоё ва қоидалар мустақамланади. Шу тариқа ҳар қандай давлатнинг ҳуқуқ тизимида у устувор аҳамият касб этади.

Конституция асосий гоёларни мустақамлайдиган сингсий-ҳуқуқий ҳужжат сифатида муайян тарзда шахс онгтафаккури, дунёқаролининг шаклланишига мафкуравий

таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ривожланган демократик давлатлар конституцияси сингари барчанин қонун олдида тенглиги, шахснинг давлатга нисбатан устуворлиги, давлатнинг инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади," деб қайд этилган. Ушбу гоёларни жамоатчилик онгига сингдириш ҳар бир фуқаронинг қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўлишини шакллантиришга кўмаклашади.

Дарҳақиқат, ҳар бир демократик давлатнинг конституциявий асосини инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ташкил қилади. Шу маънода, мамлакатимиз Конституциясидан "Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари" бўлими алоҳида ўрин эгаллагани бежиз эмас. Шунингдек, Бош Қомусимизнинг "Асосий принциплар" бўлимида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканини қайд этувчи гоёлар мустақамланган.

Конституциямизнинг қолган барча бўлимларида ўзининг ижтимоий йўналиши бўйича жамоат ва давлат тузилмаларининг шахс ҳамда жамият олдидаги вазифалари баён этилган.

Айни пайтда давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъул экани белгилаб қўйилгани халқимиз барпо этаётган адолатли фуқаролик жамиятининг маъно-моҳиятини англатади.

Бундан ташқари, мамлакатимизда ҳокимиятларни тақсимлаш гоёсининг амалга оширилгани, қонун устуворлигининг эътироф этилгани, бирон-бир шахс томонидан давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштиришга йўл қўймаслиги, Конституция ва қонунлар томонидан ваколат берилган органларнинг давлат ҳокимиятини халқ манфаатини кўзлаб амалга ошириши — буларнинг барчаси ҳуқуқий-демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда шакллантириш жараёнига таъ-

сир кўрсатган ҳолда, ижтимоий ривожланишнинг асосини ташкил этадиган муҳим конституциявий принциплардир.

Конституция мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик орасида тарғиб этиш, унинг асосида қабул қилинаётган қонунлар сифати ва самардорлигини таъминлашга кўмаклашиш Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг барча даражадаги депутатлари ва фаоллари зиммасига ҳам қуқур масъулият юқлади. Зеро, партиямиз дас-тирида ҳам адолатлилик гоёси, барчанин қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш "Адолат" партиядан сайланадиган депутатлар қонунчилик фаолиятининг асосий ва бош йўналишига

айланиши даркорлиги таъкидланган.

Мустақил Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганидан буён ўтган 21 йил мобайнида унинг қоидалари ҳаётга изчил жорий этилмоқда. Ҳаёtimизнинг барча жабҳаларида илгари тасаввур қилиб бўлмайдиган ютуқларга эришилмоқда. Мамлакатимизда Конституция туфайли фуқаролар ва миллатлараро тотувлик таъминланди, турмуш фаровонлиги йилдан-йилга ортиб бормоқда, ижтимоий-маданий ривожланиш, таълим, илм-фан соҳаларида улкан муваффақиятларга эришилмоқда.

Абдурафиқ АХАДОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
фракцияси аъзоси

Бандлик дастури: меҳнат бозори эҳтиёжлари ҳисобга олинмоқда

Давоми. Боши 1-бетда

Дастлаб, кун тартибидagi масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазири биринчи ўринбосари Б.Алимухамедовнинг маърузаси тингланди.

Қайд этилганидек, 2013 йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида республика бўйича жами 833,4 мингта иш ўрни яратилди ва дастур параметрлари 103,8 фоизга бажарилди. Яратилган иш ўринларининг 488,3 мингтаси қишлоқ жойларига тўғри келди.

Фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш, иқтисодийнинг етакчи тармоқлари корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва янгилаш **64,6 мингта** иш ўринлари ташкил этишга шароит яратди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожлантирилиши, энг қулай тадбиркорлик муҳити яратилиши жами **404,8 мингта** иш ўринлари ташкил этилишини таъминлади, шундан 314,2 мингтаси — кичик корхоналарда ва 90,6 мингтаси — хусусий, яъна тартибдаги тадбиркорлик соҳасига тўғри келди.

2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури туманлар ва шаҳарлар бўйича, меҳнат бозори эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодий тармоқлари ва соҳаларини, ҳудудларни ривожлантириш дастурларига мос равишда ишлаб чиқилди.

Дастур янги объектларни ишга тушириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, қайта жиҳозлаш ва мавжуд қувватлардан янада тўла фойдаланиш, кичик бизнесни, биринчи навбатда, саноатда, қурилишда ва хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида жадал ривожлантириш, инфратузилма, коммуникация ва уй-жой объектлари қурилиши кўламини, касаначилик меҳнатининг имкониятларини кенгайтириш, паст рентабелли корхоналар фаолиятини тик-



лаш ҳисобига айнан мувофиқ миқдордаги иш ўринлари ташкил этишга ва аҳоли бандлигини таъминлашга йўналтирилган.

Таъкидланганидек, ҳар йили парламент томонидан янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича Давлат дастури қабул қилинмоқда. Мазкур дастур доирасида мутасадди вазирлик ва маҳаллий ҳокимликлар зиммасига ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши хусусиятларидан келиб чиқиб, кишиларни меҳнатга жалб этиш, аynиқса, таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш ғояси билан чиққан фуқароларга қулай шароит яратиш, уларни қўллаб-қувватлаш ўта масъулиятли вазифа сифатида юкланаяпти.

Мамакатимизда 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бўйича жами 983,6 мингта иш ўринлари ташкил этилиши кўзда тутилмоқда. Дастурни амалга оши-

риш доирасида таълим муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Янги яратиладиган, мавжуд бўш ва захира иш ўринларига касб-хўнаар коллежларининг 500 миң нафарга яқин битирувчиларини жойлаштириш мўлжалланган.

Йиғилишда фракция аъзолари партия позицияси ва нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда 2014 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлашнинг параметрлари ва асосий йўналишларига муҳим эътибор қаратдилар ва уни атрофлича таҳлил этдилар.

Хўш, бандлик дастурини тайёрлашда ёшларни касбга йўналтириш, меҳнат бозори эҳтиёжларидан келиб чиқиб, касб-хўнаар коллежларидagi таълим йўналишлари учун квоталар ажратишда қандай ишлар амалга оширилди? Яратилаётган иш ўринларининг реал иқтисодийга, ишлаб чиқарилаётган ва экспорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажмига таъсири қандай бўлмоқда? Тармоқлар бўйича очилган иш ўринлари-

нинг барқарорлигини таъминлаш ва унинг мониторингини олиб бориш қандай йўлга қўйилган? Мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун қандай чоралар кўрилмақда? Қизғин мунозараларда фракция аъзолари, хусусан, А.Аҳадов, Қ.Жўраев, Т.Абдусатторов, М.Нишонов ва А.Сулаймоновлар шу каби саволларни ўртага ташладилар.

Қодир Жўраев, фракция аъзоси:

— 2009 йилдан буён иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури қабул қилиниб, ёшларни, жумладан, таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлашга аниқ йўналтирилган кафолатли чоратадбирлар кўриб келинаётгани ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидagi мақсадли дастурларни амалга ошириш, аynиқса, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, уларни меҳнат бозори талабларига мос равишда касб-хўнаарга ўқитиш тизимини янада тако-

миллаштиришга қўмаклашиш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, ишлаётган ёшларнинг ижтимоий ҳимоясини ва меҳнат кафолатларини таъминлашга қаратилаётган эътибор натижасида ҳар йили ярим миллионга яқин битирувчилар учун янги иш ўринлари яратилмоқда. Бунда корхоналар (иш берувчилар), коллежлар, битирувчилар ва уларнинг ота-оналари ўртасида уч томонлама шартномаларнинг йўлга қўйилганлиги, коллежлар битирувчиларини ишга қабул қилаётган кичик корхоналар учун Президентимиз фармонида мувофиқ имтиёзлар белгиланганлиги ҳамда барча вилоятлар марказларида, йирик шаҳар ва туманларда салоҳиятли иш берувчиларни жалб этган ҳолда иxtисослаштирилган иш ўринлари ярмаркаларини ўтказишнинг тизимли йўлга йўйилганлиги муҳим омил бўлмоқда. Глобал миқёсда давом этаётган молиявий инқироз натижасида кейинги 5 йилда дунё ёшлари ўртасида ишсизлик 4 млн. кишига ёки ҳар йили ўртача 800 миң

кишига кўпаяётган бир пайтда бизнинг бу борадаги ютуқларимизни ҳар қанча эътироф этса арзийди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурида таълим муассасаларини тамомлаган ва ишга турли корхоналар билан шартнома асосида қабул қилинган ёш мутахассислар ҳақида гамхўрлик қилиш белгиланган. Шу нуқтаи назардан айтганда, дастур ижросининг мониторинги ва иш ўринларини ҳисобга олишнинг механизми, банд бўлмаган аҳолини, жумладан, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришга қаратилган чоратадбирлар эътиборимизда бўлмоғи лозим.

Фракциямиз мазкур дастурни қўллаб-қувватлар экан, яратилаётган иш ўринларининг барқарорлигига ҳам эътиборни кучайтириш лозим, деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, дастурнинг мазмун-моҳиятини сайловчилар билан учрашуларда атрофлича тушунтириш ҳамда унинг ижросини назорат қилиш партиямиз ва фракциямиз олдида турган муҳим вазифадир.

Абдурафиқ Аҳадов, фракция аъзоси:

— Дастурга кўра, келгуси йилда йирик объектиларни ишга тушириш, фаолият юритаётган корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш орқали **59,4 мингта** иш ўринлари, кичик бизнес корхоналарини, асосан саноатда, қурилишда, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида жадал ривожлантириш ҳисобига **370 мингта** иш ўринлари яратиш режалаштирилмоқда.

Аynиқса, бандлик дастурига мувофиқ, уй меҳнатининг, авваламбор, корхоналар билан меҳнат шартномаларига асосланган касаначилик меҳнати ва оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши ҳисобидан **221,3 миң** нафар банд бўлмаган фуқароларни, асосан аёллар, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий муҳофазига муҳтож бошқа тоифаларини иш билан таъминлаш имконияти яратилиши кўзда тутилаётганлиги эътиборга моликдир.

Мавлуда НИШОНОВА, фракция аъзоси:

— Дастур ижроси доирасида 2014 йилда ишсизлар, касб-хўнаар коллежлари битирувчилари, Қуролли Кучлар сафларидан бўшатирилганлар, иқтисодийдаги таркибий ўзгаришлар натижасида иш жойини йўқотган фуқаролар, ногиронлар, кўп болали оилалар, ва бошқа тоифадаги банд бўлмаганларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш юзасидан кўрилаётган чораларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Бунинг учун ҳудудий меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятида замонавий ахборот технологиялардан, иш қидиришнинг модификацияли дастурларидан фойдаланиш, хусусан, вазирликнинг www.mexnat.uz сайти ва унинг ҳудудий бошқармаларининг сайтларидан Давлат интерактив хизматларининг ягона портали <http://my.gov.uz> орқали фаол иш излаётган фуқароларнинг ишга жойлаштирилиши кўмаклашиш назарда тутилаётганлиги янада ахамиятлидир. Қолаверса, 2014 йилда барча шаҳар ва туманларни қамраб олган ҳолда, корхона ва ташкилотлар мавжуд бўш иш ўринлари ҳамда банд бўлмаган фуқаролар иштирокида 1170 та бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этиш ва ўтказиш режалаштирилган.

Бу каби чора-тадбирлар партиямизнинг касб-хўнаар коллежлари битирувчилари ҳамда ишсиз фуқароларнинг меҳнат бозори билан алоқасини янада мустаҳкамлашга доир дастурий ғояларига мос келади.

Қизғин муҳокамалардан сўнг фракция аъзолари Ўзбекистон «Адолат» СДП позицияси нуқтаи назаридан ўз тақлиф ва тавсияларини билдириб: «2014 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури» лойиҳасини маъқулладилар.

Илс САХАТОВ,
«Adolat» мухбири

Халқаро форум иштирокчилари Самарқандни зиёрат қилди

Давоми. Боши 1-бетда

Ўзбекистонда муқобил энергия манбаларини жорий этишнинг янада кенгайтириш ва ривожлантиришга доир кенг қўламли ва изчил ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 1 мартда қабул қилинган «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим омил бўлмоқда. Фармонда муқобил энергетика соҳасидagi илмий салоҳиятни янада ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш, муқобил энергия манбаларини ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчиларни рағбатлантириш, уларга солиқ ва божхона имтиёзлари бериш, «Муқобил энергия манбалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифалари белгиланган. Хусусан, фармонда Самарқанд вилоятида қуёш фотоэлектр станциясини барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш маъқуланган.

100 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектр станциясини қуриш Ўзбекистон ва Осиё тараққиёт банкининг ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларидан биридир. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлигининг «Ўзоғирнефгазимёлйиҳа» институти «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси буюртмасига асосан станциянинг

техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқмоқда. Лойиҳанинг амалга оширилиши Осиё тараққиёт банкининг имтиёзли кредити ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди.

Самарқанд вилоятида қуёш фотоэлектр станциясини қуриш учун 400 гектар ер ажратилди. Форум қатнашчилари лойиҳа тақдимотида иштирок этиб, станция макети билан танишди.


— Ўзбекистон муқобил энергетикани ривожлантиришда улкан ютуқларга эришмоқда, — деди Осиё тараққиёт банки вакили Пол Хаттл. — Таъкидлаш жоизки, бу борадаги ишлар мамлакатни барқарор ривожлантириш учун жуда муҳимдир. Хусусан, муқобил энергетиканинг янги технологияларини жорий этаётган хусусий тадбиркорларнинг қўллаб-қувватланаётгани ҳар томонлама ўрганишга муносибдир. Биз Самарқанд вилоятида қуёш фотоэлектр станциясини қурилиши лойиҳасининг тақдимотида қатнашдик. 100 МВт қувватга эга бундай станция қурилиши Ўзбекистонда гелиоэнергетикани ривожлантириш соҳасидagi яна бир улкан ютук бўлади.

Самарқанд вилоятида қуёш фотоэлектр станциясининг барпо этилиши ҳудудни йилгига 150 миллиарддан ортиқ кВт/соат электр энергияси билан таъминлаш имконини беради. Ҳар йили 40 миллион куб метр табиий газ тежалди, атмос-

ферага чиқадиغان буг газлари ишлаб чиқаришдан кўпроқ қамалади. Қуёш фотоэлектр станциясининг ишга туширилиши натижасида 50 киши иш билан таъминланади.

— Бизнинг институт қишлоқ жойларда барқарор ривожланиш масаласи билан шугулланади ва бу борада Ўзбекистоннинг қатор тегшли илмий-тадқиқот институтлари ҳамда олий ўқув юртлири билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келади, — дейди Бранденбург институти вакили Клозе Эдгар (ГФР). — Жумладан, ўзбекистонлик ҳамкасблар билан қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасида янги технологиялар ишлаб чиқиш устида иш олиб бормоқдамиз. Ҳамкорлигимиздан кўзланган мақсад қуёш энергетикаси соҳасида янги технологиялар яратиш ва кейинчалик уларни бошқа мамлакатларда ҳам жорий этишдан иборат. Мамлакатингизда мазкур соҳани ривожлантиришга улкан эътибор қаратилаётгани натижасида бу борадаги ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлаш жоиз. Самарқанд вилоятида қуёш фотоэлектр станциясини қуриш лойиҳаси бунга ёрқин мисол бўла олади.

Халқаро форум иштирокчилари Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойлари, жумладан, Регистон майдони, бу ердаги Мирзо Улуғбек, Тиллақори ва Шердор мадрасалари, «Афросиёб» музейи, Мирзо Улуғбек обсерваториясини бориб кўрди, истиқлол



йилларида шаҳарда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

— Самарқанд сафари менда унутилмас таассурот қолдирди, — деди Метанол ишлаб чиқарувчилар халқаро ассоциациясининг бош ижрочи директори Майкл Куа Чен-Гуань (Сингапур). — Ўзбекистон азалдан жаҳонда илм-фан ва маданият марказларидан бири бўлган.

Улуғбек обсерваторияси, мажоратли Регистон майдони ва бошқа тарихий обидаларни катта ҳайрат билан кўздан кечирар эканман, ўзбек халқининг кўп асрлик илмий ҳамда маданий аъналарини бугунги кунда ҳам изчил ривожланаётганига амин бўлдим.

Форум қатнашчиларида вилоятнинг Оқдарё туманидаги «Пўлатдархон» маҳалласида

бунёд этилган замонавий уй-жойлар ҳам катта қизиқиш уйғотди.

— Ушбу замонавий уйлар мени ҳайратга солди, — деди Кембриж университети аспиранти Ченг Ли. — Дунёнинг қўллаб-қувватларида қишлоқ ёшлари шаҳарга кетиб қолаётгани кузатилмоқда. Президент Ислам Каримов раҳнаомлигида ишлаб чиқилган ва пух-

та ўйланган замонавий уй-жойлар қуриш дастури, шубҳасиз, ёшларнинг жонажон қишлоғида яшаш ва меҳнат қилишида муҳим омил бўлади. Негаки, бу ерда яратилган шароит шаҳарлардагидан асло қолишмайди.

Бобур ОБИДОВ,
ЎЗА махсус мухбири

Партия ҳаёти

ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Зиммамиздаги масъулиятни тўғри англайлик

Депутатлик гуруҳларида

Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурида адолатчилик ғояси, барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш партиядан сайланадиган депутатлар фаолиятининг асосий ва бош мақсади эканлиги эътироф этилган.

Буни яхши англаган халқ депутатлари Хатирчи туман кенгашидаги Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг тўрт нафар депутати, туман сессияларида партиянинг сайловолди дастури ва уставиди белгиланган вазифаларидан келиб чиқиб фаолият олиб боришмоқда.

Хусусан, кам сонли бўлишига қарамай депутатлик гуруҳимизнинг ҳар бир аъзоси турли тақлиф ва ташаббусларни илгари сураётганликлари эътиборга молик. Биргина менинг қабулимга келиб тушган мурожаатлар асосида жорий йилда тегишли ҳудудларда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларга уларнинг вазифаларига қараганда масалалар юзасидан жами 14 га яқин депутатлик сўрови юборилди ва уларнинг 11 таси ижобий ечимини топди. Жумладан, пластик қарточкалардан фойдаланиш бўйича Давлат солиқ қўмитаси туман бўлимига, туман йўл қурилиш бўлимига, туман ичимлик суви идорасига, туман иқтисодиёт бўлимига ҳамда туман халқ таълим муассасаларини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўли-

мига депутатлик сўровлари юборилиб, уларга ижобий ечим топишга эришилди.

Депутатлик қабулхонасига сайловчилар ва ҳудуд аҳоли-

сўровномалар асосида уларга ижобий ечим топишга эришилди.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда депутатлик гуруҳимиз аъзолари зиммаларидаги масъулиятни яхши ҳис қилган ҳолда сайловчилардан келиб тушаётган ҳар бир хат ва шикоятни ўз вақтида ижобий ҳал этишга интиломқдалар.

Қолаверса, депутатлик гуруҳимиз томонидан бугунги куннинг энг долзарб муаммоларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, тумандаги бир қатор қишлоқ фуқаролар йиғинларида «Тўй ва маросимларни их-

қизиқтирган саволларга жавоб олиш баробарида, ўз тақлиф-мулоҳазаларини ҳам билдиришмоқда.

Шунингдек, Хатирчи туманининг бир қатор қишлоқларида депутатлик гуруҳи томонидан Президентимизнинг «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори юзасидан амалга оширилган ишлар ўрганилди. Назорат тадбирлари натижасида аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли ташкилотларга мурожаат этилди.

Хали олдимизда бажаришимиз лозим бўлган ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг ижросига доир қатор вазифалар ҳам борки, уларни бажаришда ҳар биримиздан катта масъулият ва ташаббускорлик талаб этилади. Мухтасар айтганда, қонун доирасида бизга берилган ваколат ва имкониятлардан тўлалигича фойдалана олсак, сайловчилар ишончини қозонишимиз мумкин. Зеро, депутатлар зиммасига халқ ишончини оқлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда янада фаоллик кўрсатиш вазифалари юкланган.

Жаҳонгир ҚОДИРОВ,
халқ депутатлари Хатирчи туман кенгаши депутати

...бугунги кунда депутатлик гуруҳимиз аъзолари зиммаларидаги масъулиятни яхши ҳис қилган ҳолда сайловчилардан келиб тушаётган ҳар бир хат ва шикоятни ўз вақтида ижобий ҳал этишга интиломқдалар.

сидан асосан уй-жой, мол-мулкка эгалик, тадбиркорлик фаолияти, турли хилдаги олдсоти шартномалар, коммунал соҳалардаги муаммолар бўйича бир неча мурожаатлар келиб тушган.

Жумладан, депутат Муҳиддин Файзиёвнинг номига тумандаги «Наврўз» МФЙдан, «Богчақолон» маҳалласи ҳудудидан ўтувчи кўприкни қайта қуриш тўғрисида келиб тушган мурожаатлар атрофида ўрганиб чиқилди ва тегишли ташкилотларга йўлланган

чамлаштириб ўтказиш — давр талаби», «Ақидапарастлик ва унинг оқибатлари», «Ёшларимизни гиёҳвандлик ва ичкилик-бозлик иллатларидан асрайлик» каби мавзуларида давра сўхбатлари ташкил этилди. Бу каби тадбирларда шунчаки маърузабозликлардан чекин-иб, интерфаол услублардан, мавзуга доир слайд ва видео фильмлардан фойдаланилганлиги боис унинг таъсирчанлиги юқори бўлиши таъминланмоқда. Тадбир иштирокчилари мавзу юзасидан ўзларини

Бирдамлик ва бағрикенглик — дастурий мақсадимиз!

Давра сўхбати

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши, Республика байналмилал маданият маркази ва Ўзбекистон миллий университети ҳамкорлигида Бош Қомусимизнинг 21 йиллиги ҳамда 16 ноябрь — «Халқаро бағрикенглик кўни»га бағишланган давра сўхбати ташкил этилди.

«XXI аср таълим-тарбиясида миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик масалалари» мавзусида бўлиб ўтган мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Республика байналмилал маданият маркази ходимлари, турли диний конфессиялар вакиллари, партия фаоллари, университет профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлар иштирок этишди.

Эътироф этилганидек, мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида миллатлараро аҳиллик ва конфессиялараро тотувликни мустаҳкамлаш, маънавий-ахлоқий тарбияни кучайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу барча соҳаларда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, халқимиз турмуш даражасини янада юксалтириш йўлидаги эзгу сўй-ҳаракатларнинг муҳим асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

— Бугун мамлакатимизда 16 диний конфессияга мансуб 130 дан ортқ миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳил истиқомат қилмоқда, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ойша Ахунова. — Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари,

қонуний манфаатларини таъминлаш, таълим олишлари, қизиқиш ва лаёқатлари бўйича касб-хунар эгаллашлари, маданиятлари, анъана ҳамда қадриятларини сақлаш, ривожлантиришлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Бундай эътибор натижасида кўп миллатли мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ҳукм сурмоқда. Зеро, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳам ўз фаолияти доирасида юртимизда миллатлараро муносабатларни яхшилаш, дўстлик ва ҳамжихатликни ривожлантириш, тотувликни тарғиб этишни мақсад қилган.

Конституцияимизда қайд этилганидек, Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади. Улар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Бу Ўзбекистонда истиқомат қиладиган турли миллат ва элатларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида кенг ва эркин иштирок этишини таъминлайди.



Бугунги кунда улар давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, демократик жамият қуриш ва ривожланган бозор иқтисодиётини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиздаги миллатлараро тотувликни таъминлашда хизматлари катта бўлган 27 миллат вакиллари томонидан тузилган 150 га яқин миллий маданий марказ фаолият олиб бормоқда. Президентимиз ташаббуси билан мазкур марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида 1992 йил январда Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилган. У жамиятимиздаги тинчлик ва ҳамжихатлик, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, миллий ва умумбашарий анъаналарни раванқ топтириш, уларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишга баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Азалдан халқимизга хос бўлган бағрикенглик фазилатлари истиқлол йилларида янги, янада чуқур мазмун-моҳият билан бойиб, изчил ривожланмоқда.

Бу кўп миллатли Ўзбекистоннинг туб ўзгаришлар амалга оширилаётган йўлдан изчил ва қатъий олға боришида, жамиятимизда барқарор ва фаровон ҳаётни таъминлашда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Давра сўхбатида шунингдек, диний ва миллатлараро бағрикенгликнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари, ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялаш каби мавзуларда олимларнинг маърузалари тингланди.

Қизиқарли баҳс-мунозараларга бой бўлган тадбир давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Бобур ОТАМУРОДОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот котиби

Орзулари осмон “адолатчи”

“Ёш адолатчилар” қаноти

Бугун Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгашида мавжуд 9250 нафарга яқин аъзоларнинг 4200 нафарини 30 ёшга бўлган ёшлар ташкил этади. Улар Кенгаш қошидаги “Ёш адолатчилар” қанотига бириккан ҳолда партия дастурий мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб қилиб келмоқда.



Эътироф этиш жоизки, бугун мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қамол инсонлар қилиб вояга етказиш мақсадида барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Уларнинг яратилган имкониятларидан самарали ва оқилона фойдаланишлари кўмаклашиш сиёсий партиялар фаолиятида устуворлик касб этиб келмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгашида ёшлар билан ишлаш борасида замонавий услублардан фойдаланилиб, “Ёш адолатчилар” қаноти сафлари-

нинг иқтидорли ёшлар билан тўлдирилишига асосий эътибор қаратилмоқда. Натижада, вилоят бўйлаб янги истеъдод эгаларининг қобилиятлари юзгага чиқаётгани аниқ ҳақиқат.

Биргина “Ёш адолатчилар” қаноти фаоли Людмилахон Алидова санъат йўналиши бўйича навбатдаги Ўзбекистон мидаги Давлат мукофоти учун ўтказилган танловнинг вилоят босқичида голиб чиқиб, республика босқичига йўлланма-ни кўлга киритгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

— Илмга чанқок “ёш адолатчи”ларимиздан бири бўлган Людмилахон жамоат ишларида ҳам фаоллиги билан тенгдошлари орасида ажралиб тургани, — дейди Янгиарик туман партия кенгаши раиси Б.Сапаева. — Ижодга ҳавасманд қалб соҳибаси 2011 йилда Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг иқтидорли, ижодкор қизлари учун таъсис этилган “Адолат дўстлари” соҳибаси бўлган эди. Муваффақиятли одимларини давом эттираётган ушбу ёш иқтидор эгаси ҳозирги кунда изланиш ва интилишда давом этиб, янгидан-янги санъат асарлари устида иш олиб бормоқда.

— Бугун кўпга тенгдошларимиз замон билан ҳамқадам юриб, турли билимларни эгаллашмоқда ҳамда мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда юртимиз шаънини ҳимоя қилиб, эл-юрт хизматига қармбаста бўлишмоқда, — дейди Людмила Алидова. — Барча ёшлар қатори менга билдирилаётган ишонч ва эътибор, хусусан, “Ёш адолатчилар” қанотининг кўмаги менга чексиз гуруру ва ифтихор бағишлаб, янгидан-янги мақсадлар сари ундамоқда.

Дарҳақиқат, Людмиланинг ўзи ҳам Зулфия номидаги Давлат мукофотидек шарафли, орзуларга қанот бўлувчи мукофотнинг соҳибаси бўлишга астойдил ҳаракат қилмоқда. Биз ҳам унга бу борадаги ижодий изланишларида муваффақият тилаб қоламиз.

Иқболлой НИШОНБОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгаши матбуот котиби

Муносиблар сараланди

«Адолат»нинг адолатли аёллари

«Партиянинг оқила аёли — 2013» кўриктанловининг Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан ташкил этилган навбатдаги босқичида шаҳар ва туман босқичларида голиб деб топилган саккиз нафар иштирокчи ўзаро беллашдилар.

Танлов ҳайъати аъзолари томонидан иштирокчиларнинг чиқишлари ва лидерлик қобилиятлари ҳар томонлама пухта кузатилиб, теран таҳлил қилинди.

Иштирокчилар орасидан танлов шартлари кўра, ўзи яшаётган ҳудуднинг тарихи, маданияти ва партия дастури-ни яхши билиши, ижодий ишлари ва намунали оила бека-

си эканлигини тасдиқловчи маълумотлари туфайли Нукус шаҳридаги 16-сонли мактаб ўқитувчиси, мактаб қошида ташкил этилган БПТ раиси Гулайим Бекбергенова биринчи ўринга лойиқ деб топилди, танловнинг якуний республика босқичида иштирок этиш бахтига муяссар бўлди.

— Республика босқичига чиқа олмаган бўлсам-да, тан-

ловда иштирок этишимнинг ўзи менга кўп нарса берди, ҳаётим қарашларим ва иш таърибамни ошириб олдим, — дейди иккинчи ўрин соҳибаси Кегейли туман тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Зина Қалимбетова. — Қолаверса, партиядош иштирокчиларимиздан ҳар бир оила бекаси ҳамда партия фаоли учун зарур бўлган фазилатларини ва таърибаларини ўрганишга сазовор бўлдим. Уйлайманки, партияимизнинг ушбу кўриктанлов билан олдинга қўйилган мақсад-вазифаларига тўлақонли эришилмоқда.

Ривож ОТАРБАЕВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси биринчи ўринбосари

Кўрик-танловнинг энг кўп иштирокчи қатнашган Тошкент вилояти босқичи ҳам жуда қизиқарли, дўстона ва байрамона кайфиятда ташкил этилди.

Туман ва шаҳар босқичларида голибликни кўлга киритган ўн саккиз нафар партия-миз сафидаги истеъдодли, ташаббускор аёллар танлов шартлари бўйича ўз қобилият ва иқтидорларини намоян қилишди. Таништирув шартларида иштирокчилар ўз касбий-иш-сиёсий жараёнлар, воқеа-таърибалари, оила бекаси ва меҳрибон она сифатидаги фазилатларини намойиш этишган бўлса, аиникса, бадий чиқиш-

ларда жамиятдаги энг ўткир, долзарб муаммоларни кўтариб чиқишга қобилиятини олиқ-қишига сазовор бўлди. Савол-жавоб шартларида эса сиёсий-ҳуқуқий билимларини, жа-ҳонда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, воқеа-ходисалардан қанчалик хабардорликлари ва уларга нисбатан ўз фуқаролик позицияси-га эга эканликларини нотик-


лик қобилиятлари орқали синовдан ўтказишди.

Бундан ташқари, ҳайъат аъзолари иштирокчиларнинг ёшлар ва хотин-қизлар ўрта-сиёсий ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришдаги фаоллигига алоҳида эътибор қаратишди. Табиийки, бу кел-гусида юртимиз хотин-қизларининг янада теран сиёсий ва ҳуқуқий савияга эга бўлиши учун замин яратди.

Якуний натижаларга кўра, биринчи ўрин Ангрен шаҳридаги 14-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Ойша Ураловага, иккинчи ўрин олмаликлик журналисти Шохиста Максудовага, учинчи ўрин эса Чиноз туманидаги 5-сонли махсус мактаб интернати директори Феруза Жумаевага насиб этди.

Кўрик-танловнинг ҳеч бир иштирокчиси ташкилотчилар томонидан эътиборсиз қолдирилмади.

Азиза ҚУРБОНОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгаши матбуот котиби



Ислоҳотлар самаралари

Тиббиёт

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар бугунги кунда нечоғлик самара бераётгани аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифат жиҳатдан яхшиланиб бораётганида ўз ифодасини топмоқда.

Бунда тиббиёт муассасалари фаолияти такомиллашиб, моддий-техник базасининг муостаҳкамланиб бораётгани, хусусан, улар энг замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланаётгани билан муҳим ўрин тутаяётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Унинг самаралари халқро микёсда эътироф этилаётгани, хусусан, юртимиз аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати бўйича дунёдаги етакчи мамлакатлар сафидан жой олганида яққол акс этмоқда.

Бугунги кунда барча жойларда бўлгани каби Жиззах вилоятида ҳам хусусий даволаш масканлари фаолиятини янада такомиллаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, 2002 йилда бундай масканлар сони атиги биттани ташкил этган бўлса, бугунга келиб улар сони 40 тадан ошди. Энг қувонарлиси, вилоятнинг чекка ҳудудларида ҳам хусусий даволашни масканлари фаолият юритмоқда. Бу эса тиббиёт соҳасида ислоҳотларнинг вилоятнинг энг чекка ҳудудларига ҳам кириб борганидан далолат беради. Айниқса, Зомин, Мирзачўл, Фориш туманларида ҳам бу каби тиббиёт муассасаларининг ишга туширилиши аҳолининг саломатликларини тиклашларидаги дадил қадмалардан бўлди.

“Адолат” СДП аъзоси, тиббиёт фанлари номзоди Исло

Субхонкулов “Ойбек” хусусий клиникаси бош шифокори.

— 2011 йилда ўз фаолиятини бошлаганимиз, — дейди И.Субхонкулов. — Даволаш масканимиз замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бу ерда беморлар учун барча қулайликлар барпо этилган.

— Бугунги кунда вилоятимизда қирқдан зиёд нодавлат тиббиёт муассасалари фаолият юритмоқда, — дейди вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси “Нодавлат тиббий муассасаларида кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини назорат қилиш” бўлими мутахассиси Шухрат Хайдаров. — Хусусий тиббиёт муассасаларида 2012 йилда 27135 нафар беморлар даволанган бўлса, жорий йилнинг ўтган 10 ойида 33801 нафар бемор ўз саломатликларини тиклади.

Вилоятдаги “Доктор-А”, “Авесто-М”, “Райхон-Шаҳзод” каби хусусий тиббий муассасалари ҳам ташхис қўйиш ва даволаш соҳасида ўзига хос усулларда беморларга хизмат кўрсатиши билан ажралиб туради.

Мухтасар айтганда, вилоятда аҳолига хусусий даволаш масканларида тиббий хизмат сифатини яхшилаш борасидаги тинимсиз изланишлар ўз самарасини бермоқда. Уларда хизмат кўрсатиш ҳам сифат, ҳам самарадорлик жиҳатдан яхшиланиб бораёпти.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«Адолат» мухбири



Суратларда: “Ойбек” хусусий клиникаси фаолиятдан лавҳалар.
Ботир ҚУДРАТОВ
олган суратлар

Ёш инноватор яратган ихтиро

Инновация

Жорий йилда Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши фаоллари томонидан Кенгаши қошида ташкил этилган «Ёш инноваторлар» клубига изланувчан, қобилиятли, илмий-техник ишланмалар яратишга ихлосманд ёшларни излаб топиш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида қатор тарғибот ишлари амалга оширилди.

Ана шундай тарғибот тадбирлари натижасида Нукус темир йўллар касб-хунар коллежи 2-босқич ўқувчиси Жанибек Оралбаев кашф қилинди.

Ўз тенгдошлари орасида илм эгаллашга бўлган интилувчанлиги, зукколиги ва инновацион фикрлаш қобилияти билан ажралиб турадиган Жанибек партия Сийсий Кенгаши томонидан ёшларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги иштирокини янада кенгайтириш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида белгилаб қўйилган илмий ва техникавий ижод эркинлигидан кенг фойдаланишга эришиш, жамият ижтимоий ривожига ҳисса ва масъулиятини ошириш орқали энг яхши инновацион лойиҳаларни аниқлаш мақсадида эълон қилинган «Ёшларнинг энг яхши инновацион лойиҳалари» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида ўзи яратган «Шамол энергисидан фойдаланиб катта тошларни ке-


мент ва кум қўшиб, қайтадан катта бетон бўлақчаларни таёрлаш учун кўп энергия сарф қилинади.

— Мен ишлаган моделда тоғлардаги катта тошларни ўша жойнинг ўзида шамол энергияси билан кесиш мумкин, — дейди ихтиро эгаси Ж.Оралбаев.

Жанибекнинг таъкидлашича, ускунанинг қуввати ўнинг минорасининг баландлиги ва паррақларнинг катталигига боғлиқ.

Тахминан минора баландлиги 15 метр, паррак диаметри 10 метр бўлса, ўртача тезлик 4м/с шамол тезлигида 20 кВт энергия олиш мумкин, бунда тош кесувчи арранинг узунлигини 7-8 метр узунликка келтириш мумкин ва натижада арра йўналишида бир неча тошни ёнма-ён қўйиб кесиш имконияти мавжуд.

Тайёр маҳсулот — қурилиш объектлари пойдевори учун тош блоклари ёки катта тош плиталари олишга ишлатилади.



сувчи қурилма» деб номланган техник-ижодий ишланмаси билан иштирок этди.

Қорақалпоғистон Республикаси тоғли зонаси (Қоратов)даги йил бўйи эсиб турадиган шамолдан энергия ишлаб чиқаришда фойдаланиш мақсадида ёш инноватор томонидан яратилган қурилма тоғлардаги катта тошларни ўша жойнинг ўзида шамол энергияси билан кесишга мўлжалланган.

Қурилмага техник тавсифнома берадиган бўлсак, илм-фан ва техника ривожланаётган айни даврда тоғлардаги тошларни дробилкада эзиб, уни шебинга айлантириш, унга це-

Ёш инноватор яратган ушбу ихтиро ўзининг қатор афзалликлари — катта энергия захирасига эга шамол энергиясидан фойдаланиб, катта тошларни кесади, дизайни, қурилманинг ёнида одам туриши шарт эмаслиги билан танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи қолиби, деб топилди ва Республика босқичида иштирок этиш йўлини қўлга киритди.

Биз ёш инноваторнинг келгуси илмий ва ижодий ишларида омадлар тилаб қоламиз.

Ривож ОТАРБАЕВ

Муштарак Ғоялар, вазифалар ижроси

— Сизни «Адолат» партиясига аъзо бўлишга ундаган куч нима?
— Мақсадлар муштараклиги. Шифокор бўлиб етишиш болаликдан бери юрагимнинг туб-тубида ардоқлаб келаётган ширин орзум эди. Орзум ушалди. 1983 йилда институтни битирганимдан сўнг тиббиёт соҳасидаги турли лавозимларда ишладим. Хузуримга келаётган беморларни даволаб, дардига малҳам қўйсам, уларни жисмидаги оғриқлардан батамом халос қилсам, мендан бахтли одам йўқ, гўё.

2011 йилдан бери туман соғлиқни сақлаш тизимига раҳбарлик қиламан. Бас, шундай экан, нимадир қилишим, ҳар жабҳада ташаббускор бўлишим, илғор ғояларни ва тажрибаларни қўллаб-қувватлашим ҳамда уларни амалда жорий этиш тадбирини кўришим шартлигини англаб етдим. Шундай кунларнинг бирида «Адолат» СДПнинг сайловли дастури қўлимга тушиб қолди. Айниқса, ундаги «Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш тарафдори ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда ўз иштирокини янада кучайтиради», деган сатрлар мени том маънода тўлқинлантириб юборди.

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, мамлакатдаги нуфузли партиялардан бири илгари сураётган ғоялар, қарашлар ва вазифалар менинг хоҳиш-иродамга икки томчи сувдек ўйлаш экан, нега унга аъзо бўлишга шовилмаслигим керак?
— Ўзингизга яхши маълумки, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида бошқа соҳалар сингари мақсадли ва тизимли ислоҳотлар ўтказилаёти. Сиз бошқараётган бирлашмада ислоҳотлар қандай натижа бераёпти?
— Ҳали мактабнишга эрта, аммо уруғласа бўладиган ютуқларимиз йўқ эмас. Юртбошимизнинг қарорига мувофиқ, бутун мамлакат соғлиқни сақлаш тизимида «Саломатлик-1» лойиҳаси амалга оширилди. Биргина бизнинг туманимизда шу

лойиҳага биноан 2005 йилга қадар 19 та қишлоқ врачлик пунктлари жаҳон стандартларига мос равишда 50 миллион сўмлик тиббий ускуналар билан жиҳозланганди.

2005 йилдан 2012 йилга қадар «Саломатлик-2» лойиҳаси бўйича Тез тиббий ёрдам ва Шошилинч тез тиббий ёрдам кўрсатиш илмий маркази туман бўлимлари зарурий тиббий ускуналар билан таъминланди. Қувайт ва Осиё тараққиёт банки томонидан Марказий шифохонанинг туғруқ комплекси «Бехатар оналик» тамойиллари асосида тўлиқ жиҳозланди.

Жорий йилдан эса «Саломатлик-3» лойиҳаси бўйича 2016 йилга қадар режалаштирилган Марказий шифохона бўлимлари ва поликлиникаларни энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш ишлари бошланиб кетди.

Яқин кунларда 4 донга энг замонавий ЭКГ ва Доплер-УЗИ аппаратлари олиб келиниши кутилмоқда.

Кези келганда эътиборингизни яна «Адолат» СДПнинг сайловли дастуридаги энергияни тежаш ва муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланишга ўтиш борасидаги вазифалари моҳиятига қаратмоқчиман.

Биз — туман соғлиқни сақлаш бирлашмаси маъмурияти ва партиянинг бошланғич ташкилот жонқуярлари ҳамкорлигида туғруқхона бўлимига қуёш батареясини ўрнатилган муваффақ бўлди.

Келгусидаги режаларимиз

Қува тумани соғлиқни сақлаш бирлашмаси бошлиғи, Ўзбекистон «Адолат» СДП туман кенгаши аъзоси Икромжон ҲАСАНОВ билан суҳбат



ҳам катта ва кенг қамровли. 2015 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1652-сонли қарорига мувофиқ, туман тиббиёт бирлашмаси шифохоналари марказлаштирилди. Агар шу ниятимиз амалга ошса, туман аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатишда янада кенг имкониятлар юзага келади. Шунинг учун 2014 йилда бошланадиган туғруқхона комплекси ҳудудидаги бино қурилиши учун 17 миллиард сўм маблағ ажратилди.

— «Адолат» партиясининг Сиз раҳбарлик қилаётган бирлашмадаги бошланғич ташкилот фаолияти ҳақида фикрларингизни билдирсангиз.

— Халқимизда кўпдан кўен қочиб қутилмас, деган нақл бор. Биз тумандошларимизнинг сиаҳат-саломатлигини ишончли муҳофаза қилиш борасида қандай муваффақиятга эришган бўлмайлик, унда оқ халатли «адолатчи»ларнинг ҳиссалари салмоқли бўлаётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Бундан ташқари «Наврўз»

умумхалқ байрами арафасида «Санъатим сенга, обод юртим!» кўрик-танловининг қўшиқ ва ракс номинацияси бўйича туман босқичи ўтказилди. Кўрик-танловда БПТ аъзолари бўлмиш Ички касалликлар бўлими ҳамшираси Шаҳноза Аҳмаджонова, Тез тиббий ёрдам бўлими ҳамшираси Манзура Матмуродова лар мутлақ қолибқилини қўлга киритиб, беллашувнинг вилоят босқичида иштирок этиш имкониятига эга бўлдилар.

Шунингдек, 7 апрель — Саломатлик кунини муносабати билан Қува тиббиёт коллежи ўқувчилари ўртасида «Спорт — саломатлик гарови» шиори остида энгил атлетика бўйича марафон уюштирилди. Бу мусобақада мазкур коллеждан ташриф буорган 700 нафар талаба ўз иқтидорини синаб кўрди.

9 май — Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан марҳум ҳамкасбимиз Турғун Султонов хотирасига бағишлаб уюштирилган футбол бўйича хотира турнири ҳам кўпчиликка манзур бўлди.

Бундан ташқари, касаба уюшмаси билан ҳамкорликда «Уста-шоғирд» тамойилига асосан кам таъминланган оилалардан келиб, тиббиёт коллежида тахсил олаётган 10 нафар ўқувчига энг кам иш ҳақининг 20 фоизи мўлдориди моддий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, «Саломатлик-2013» спартакиадасининг туман босқичини ҳам ўтказдик. Мусобақаларда 500 нафар спортга ихлосманд шифокорлар иштирок этдилар. Фолиблар тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси томонидан диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, келгусида туман аҳолига жаҳон андозаларига мос равишда малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишни ташкиллаштириш учун кўп ишлар қилишимиз керак ва бунга эришамиз ҳам.

Суҳбатдошлар:
Зухра АЛИЕВА,
Раҳмонали ҚОСИМОВ

Ёшлар — чекишга қарши

Хоразм вилоятида «Ёшлар — чекишга қарши!» лойиҳаси доирасида турли тадбирлар ўтказилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилаётган тадбирларда ёшлар фаол иштирок этаётир.

«Ёшлар — чекишга қарши!» лойиҳаси мавжуд қонунчилик юзасидан жамоатчилик назоратини таъминлашга қаратилган. Лойиҳа икки йўналишда — мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежи ва олий таълим муассасаларида ташкил этилмоқда. «Тенгдош-тенгдошга» шиори остида мутахассислар, махсус тайёрланган тренерлар ёрдамида ўқув-семинари ва уршувлар ўтказилмоқда. Махсус тайёрлан-

ган фаоллар гуруҳи томонидан тамаки ва алкоголь маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўкон ва бозорларда тарғибот ишлари олиб борилаётир. Шунингдек, лойиҳа барчанинг диққатида бўлишини таъминлаш мақсадида савдо шохбачалари ва аҳоли гавжум жойларда махсус тарқатма материаллар тарқатилмоқда.

А.ШОКИРОВ,
ЎЗА мухбири

Ҳуқуқ

Солиқ почтасидан

Давлат солиқ қўмитаси Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш Бош бошқармаси Тошкент шаҳар бўлими томонидан бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ автомобиль тўхташ жойлари, шунингдек, ҳудудда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари мунтазам назорат қилиб борилиб, молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳасидаги жиноятлар ва бошқа қонунбузилишларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва барҳам бериш, сифатсиз, қалбакилаштирилган ёки контрабанда товарларини тайёрлаш ва сотишга қарши курашиш бўйича бир қанча чора-тадбирлар амалга ошириб келинаётир.

Қонунбузилишлар олди олинмоқда



Хусусан, ўтказилган назорат тадбирлари жараёнида ноқонуний савдо фаолиятини юритган шахслардан 3497,5 млн. сўмлик кирим ва сифатини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган товар-моддий бойликлар, шундан 2894,1 млн. сўмлик чет элдан ноқонуний келтирилган контрабанда товарлари ва 171,3 млн. сўмлик контрафакт маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олиб кўйилди. Бу каби қонунбузилишларнинг олдини олиш мақсадида бўлим томонидан бозорлар ва савдо комплексларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига амалдаги қонун ва қарорлар, бошқа меъёрий ҳужжатларнинг талаблари, мазмун-моҳияти хусусида кенг тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилмоқда, хусусий тадбиркорларнинг иш фаолиятида учраётган камчиликлар, муаммолар юзасидан эса ваколат доирасида ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмоқда.

Бундан ташқари, пойтахт аҳолисини арзон ва сифатли кишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш, озиқ-овқат хавфсизлиги, бозорларда нарх-навоми мувофиқлаштириш борасида деҳқон бозор-

ларида кишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархининг сунъий тарзда ошиб кетиши ва ноқонуний савдо қилиниши (олиб-сотарлик) олдини олиш юзасидан мунтазам назорат тадбирлари ўтказиб келиниб, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари олди олинмоқда. Шунингдек, деҳқон бозорларида асосий турдаги кишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархи юзасидан мунтазам мониторинг олиб борилмоқда.

Шунингдек, бўлим томонидан бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг автомобиль пуллик тўхташ жойлари фаолияти юзасидан ўтказилган қисқа муддатли текширувларда назорат-касса машинаси чеки ёки квитанция бермаслик, нақд пул тушумини кирим қилмасдан ва банкка топширмасдан ўзлаштириш, меҳнат шартномаси тузмасдан иш фаолиятини яратиб бериш ва бошқа қонунбузилишлар аниқланиб, уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Равшан РАИМОВ,
Давлат солиқ қўмитаси
Бозорлар ва савдо комплекслари
фаолиятини назорат қилиш
Бош бошқармаси Тошкент
шаҳар бўлими бошлиғи

Ватан маҳалладан бошланади



Давоми. Бош 1-бетда

Мустақиллик даврида ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солувчи кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Улардан биринчи муҳим ҳужжат Бош қўмитасидир. Унинг 105-моддасида "Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди", деб белгиланган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг бошқарув соҳасидаги иштироки кенгайиб бориши натижасида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Унда биринчи бор фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришдаги ҳуқуқий, улар фаолиятининг асосий тушунчалари ва давлат томонидан қўллаб-қувватланиши кафолатлари аниқланди. Шунингдек, мазкур органларнинг тизими кенгайтирилиб, раис ва унинг маслаҳатчилари сайловининг демократик принциплари белгиланди. Шу билан бирга, фуқаролар йиғини ваколатлари кенгайтирилди.

Киритилган муҳим ўзгаришлардан яна бири сайловнинг муқобиллик асосида ўтказилишидир. Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига икки ва ундан кўп номзод кўрсатилади. Бу фуқароларга раисни энг муносиб фуқаролар ичидан саралаб, танлаб олиш имкониятини беради.

Ушбу қонуннинг 8-моддасига мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, белгиланган намунадаги муҳрга эга бўлади ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олиниши белгиланган.

Муҳим ўзгаришлардан яна бири фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларга қўйиладиган талаб кучайтирилганлигидир. Хусусан, фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши, қонда тарихида, олий маълумотга эга бўлиши, бевосита сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларида ёхуд тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташкилий-ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш тартибини тақомиллаштириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олиш тўғрисидаги низом тасдиқланди, унга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бош-

қариш органларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олиш тартиби белгиланди.

Ушбу низом ҳамда янги таҳрирда қабул қилинган қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг оммага тушунтириш мақсадида Адлия вазирлиги ходимлари томонидан кўплаб тадбирлар уюштирилди.

Жумладан, ана шундай тадбирлардан бири Тошкент шаҳар адлия бошқармасида ўтказилди. Ушбу тадбир вазирлик масъул ходимлари, солиқ ва статистика органлари ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вакиллари билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган барча туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурдаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди раислари, солиқ ва статистика органларининг масъул ходимлари иштирок этди. Шу каби тадбирлар адлия органлари томонидан республикамизнинг барча ҳудудларида ўтказилди.

Бир сўз билан айтганда, бу йилги сайловлар ҳам демократик принциплар асосида бўлиб ўтмоқда. Халқимиз эса маҳалла тақдирини ўзиники, деб қабул қилаётган, халқ дардига ярайдиган, шу билан бирга, қийин кунлариде элга тутадиган фидойи инсонларга овоз бериши, шубҳасиз. Зеро, яхши маҳалла оқсоқоли маҳаллани обод қилади, дейдилар.

Учқун ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлигининг
масъул ходими

Савол беринг, жавоб берамиз!

Қарз муаммоси

Қарз шартномаси ва уни расмийлаштиришга оид қандай талаблар мавжуд?
*О.Усмонов,
Самарқанд шаҳри*

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 732-моддасига асосан қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Қарз шартномаси ёзма равишда расмийлаштирилади. Қарз олувчи қарз берувчига қарзга олинган пуллари шартномада кўрсатилган муддат ва шартлар асосида қайтариб беришга мажбурдир.

Қарз қайтариш муддати шартномада кўрсатилмаган тақдирда, қарзга олинган пуллар қарз берувчининг талаб қилинган кунидан бошлаб ўттиз кун ичида қарз олувчи томонидан қайтарилиб берилиши шарт.

Фоизсиз қарз суммаси қарз олувчи томонидан муддатидан олдин қайтарилиши мумкин. Фоиз эвазига берилган қарз суммаси, агар қарз шартномасида кўзда тутилган бўлса ёки қарз берувчининг розилиги билан муддатидан олдин қайтарилиши мумкин.

Фоизларни тўлаш муддатлари ва тартиблари Қарз шартномаси билан белгиланади.

Қарз олувчи қарзни қайтариш муддатини кечиктирган тақдирда, нотариус ҳаракатлари қандай тартибда амалга оширилади?

*И.Самандаров,
Каттақўрғон тумани*

Қарз шартномаси бўйича қарз олган шахс томонидан тўлов муддати ўтказиб юборилганда, Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисида»ги қонунининг 73-моддасига мувофиқ, қарз берувчининг илтимосига кўра нотариус Қарздорга мулкни қайтариш ёки қарз суммасини қайтариб бериш тўғрисидаги Қарз берувчининг аризасини қарз олган тарафга аризани топшириш нотариал ҳаракатини амалга ошириш ва бу ҳақда гувоҳнома бериши мумкин.

Шартнома мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда эса нотариус Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисида»ги қонунининг 76-80 моддалари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 18 январдаги қарори билан тасдиқланган Нотариусларнинг ижро хатларига асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган ҳужжатлар рўйхатига мувофиқ ижро хатини ёзади.

Ижро хати қарздорлиқни белгилловчи асл ҳужжатда қайд этилади. Қарздорлиқни белгилловчи асл ҳужжатда ижро хатини ёзиш учун жой бўлмаган ҳолларда у алоҳида варақда амалга оширилади. Ушбу варақ қарздорлиқни белгилловчи асл ҳужжатга қўшиб тикилади, рақамланади ва муҳрланади. Қарздордан пул суммаларини ундириш ёки мол-мулкни талаб қилиб олиш учун нотариус қарздорлиқни белгилловчи ҳужжатларга ижро ёзувини ёзади. Ушбу нотариал ҳаракат шахсларнинг ёзма аризасига асосан амалга оширилади.

Саволларга Самарқанд шаҳар 1-сон ДНИ
нотариуси **З.САИДОВА** жавоб берди.

Оталик, оналик ва болаликнинг ҳуқуқий асослари

Боланинг насл-насабини белгилашда қандай асослар мавжуд, шу ҳақда маълумот берсангиз?

*А.Суярова,
Янгиобод тумани*

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 60-моддасига асосан боланинг шу онадан туғилганлиги (оналик) фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органи томонидан тиббий муассасанинг ҳужжатларига кўра, бола тиббий муассасада туғилмаган ҳолда эса, бошқа далилларга асосан белгиланади.

Аёлнинг никоҳ тузилгандан кейин ёки эрининг ўлими, никоҳдан ажратилганлиги ёхуд никоҳ ҳақиқий эмас, деб топилганлиги туфайли никоҳ тугаганидан сўнг уч юз кун ичида туғилган боласи никоҳда туғилган бола ҳисобланади.

Агар никоҳ тугаганидан кейин уч юз кун ичида бола туғилса ва бу даврда аёл янги никоҳга кирган бўлса, бола янги никоҳда туғилган ҳисобланади.

Мободо никоҳдан ўтмасдан фарзандли бўлинса, фарзанднинг насл-насабини белгилаш ота-онанинг аризаси асосида амалга оширса бўлади, шу ҳақда тушунча берсангиз?

*Р.Хусанова,
Зомин тумани*

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 61-моддасига асосан боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган шахснинг оталиги ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс ва онанинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органига биргаликда топширган аризасига биноан белгиланади.

Она вафот этганда, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда, онанинг қаердалигини аниқлаш имконияти бўлмаганда ёки у оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда, оталик васийлик ва ҳомийлик органи билан келишилган ҳолда ўзини боланинг отаси деб тан олаётган шахснинг аризасига биноан белгиланади.

Боланинг отаси суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, оталиқни белгилаш тўғрисидаги аризани унинг номидан васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати билан унинг ҳомийси бериши мумкин.

Оталиқни белгилаш тўғрисидаги ариза боланинг туғилганлигини қайд этиш вақтида, шунингдек, бола туғилганлиги қайд этилганда кейин ҳам берилиши мумкин. Агар оталиқни белгилаш тўғрисида бола туғилгандан сўнг эр-хотин биргаликда ариза беришининг имкони бўлмай қолиши ёки мушкул бўлишини кўрсатувчи асослар мавжуд бўлса, туғилажак боланинг ўзари никоҳда бўлмаган ота-онаси шундай аризани она ҳомилдорлик вақтида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига беришга ҳақли.

Оталиқни белгилаш рад этилганда, ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс суд тартибида шикоят қилиши мумкин.

Саволларга Янгиобод тумани ФХДЭ бўлими
мудираси **Гулзода ҲАЙДАРОВА** жавоб берди.

Яна ўша мавзу: пиротехника!

Божхона бекати

Тез ёнадиган моддалардан тайёрланадиган ва ёнган чқиши нўхтаи назаридан хавфли ҳисобланадиган пиротехника воситаларидан нотўғри фойдаланиш бевосита одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат тартиби ва фуқароларнинг мол-мулкига жиддий зарар етказиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 22 сентябрда қабул қилинган «Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни пиротехника буюмлари муомаласи бўйича самарали давлат назорати ўрнатилишида, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишга, хусусан, уларнинг саломатликлари ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур қонунга мувофиқ пиротехника буюмлари муомаласини лицензиялаш жорий этилди.

Пиротехника буюмларининг ноқонуний муомаласи юзасидан маъмурий ва жиноий жа-

вобгарликнинг кучайтирилиши бу борада божхона органлари зиммасидаги масъулиятини ҳам янада оширди.

Олиб борилаётган чора-тадбирлар самараси ўлароқ, республикамиз божхоначилари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда 2013 йилнинг ўтган даври мобайнида аниқланган пиротехника буюмларининг ноқонуний олиб ўтилиши билан боғлиқ қонунбузарлик ҳолатлари сони 43 тани ташкил қилди. Натижада 22,3 минг донадан ортиқ пиротехника буюмларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Янги йил кириб келишига анча фурсат бўлса-да, пиротехника мавзусини кўтарганимиз сизга эриш туялаётган-дир?! Аммо, «отни эртароқ

қамчилаш»га уринаётган қонунбузарлар ҳам учраб турибди-ки, бу мавзуга нафақат янги йил арафасида, балки доимо тўхталишга тўғри келади.

Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси ходимлари томонидан «Довут ота» чегара божхона пости орқали юртимизга пиёда кириб келаётган фуқаро Э.Санокўловнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига чек қўйилди. Қаранг-ки, ушбу шахс қиймати 300 минг сўмлик 3 турдаги пиротехника воситаларини қўл сумкасига яширган ҳолда олиб ўтишга уринган экан.

«Москва-Душанбе» йўналишидаги йўловчи поездда юртимизга кириб келган фуқаро К.Кайпаназаров ҳам қорақалпоғистонлик божхоначилар қаршида ер қизиб қолди. Чунки, унга тегишли юклар божхона кўригидан ўтказилганда, божхона баённомасида кўрсатилмаган ва божхона ходимининг оғзаки сўрови пайтида айтилмаган 9 дона салютлар борлиги аниқланди.

Шунингдек, мазкур пост ходимлари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда «Бейнеў-Кўнгирот»

поезди йўловчиси О.Ражаповни божхона назоратидан ўтказиш вақтида ушбу фуқаро томонидан салкам 350 гр. оғирликдаги 2 турдаги 32 дона пиротехника воситаларининг юртимизга яширин равишда олиб кирилишининг олди олинди.

Қаشقардә вилаети божхоначилари ҳам 500 гр. оғирликдаги пиротехника воситаларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйишди. «Қарши» темир йўл чегара божхона пости ходимлари томонидан «Москва-Кўлоб» поезди йўловчиси, қўшни давлат фуқароси Н.Тошхонов текширилганда, ушбу шахс ҳеч қандай ҳужжатларсиз, амалдаги тартибларга зид равишда 0,5 кг. оғирликдаги 2 турдаги 46 дона пиротехника воситаларини яширин равишда юртимиз орқали олиб ўтишга урингани фош бўлди.

Хозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Хусен ТАНГРИЕВ,
Давлат божхона қўмитаси
ахборот хизмати
катта инспектори



Экология масъулиятдан ҳеч ким холи эмас

“Adolat” шарҳи

Филиппинга ёпирилган «Хайян» тўфони оқибатида 300 мингта уй вайрон бўлган, уларнинг ярмидан кўпроги буткул сунуриб ташланган. Ҳалок бўлганлар сони эса 10 минг нафаргача етиши тахмин этилаёпти. БМТ экспертларнинг маълумотига кўра, табиий офатдан зарар кўрганлар сони 13 миллион киши атрофида.

— Филиппиндаги табиий офат келтириб чиқарган гуманитар фалокат жаҳон ҳамжамиятининг гуманитар ёрдам кўрсатишга ўралашиб қолганининг яна бир исботи бўлди, — дейди БМТнинг гуманитар масалаларни мувофиқлаштириш бўйича бошқармасининг бўлим бошлиғи Жон Гинг. — Энг катта муаммолардан бири шундаки, биз кутилаган бундай офатлар қаршисида ҳар доим ҳам омборларимизни тўлдиролмаётганимиз йўқ. Сабаби оддий. Бугун Африкада болалар очликдан нобуд бўлаётган бўлса, эртага Сурияда қочқоқлар муаммоси кун тартибига чиқаётди. Бошқа томондан, гуманитар ёрдам кўрсатиш идораси сурункали равишда молиявий тақчилликка рўлару бўлади, кейин тўсатдан табиий офат рўй берадики, натижада биз логистик ресурс ва захираларимиз йўқлигидан ожиз қоламиз.

вало, мана шу омил глобал иқлим ўзгаришларига, айни пайтда табиий офатларнинг кўпайишига туртки бўлаётган экан.

Она сайёраимизда экологиянинг тобора издан чиқаётгани Ер юзиде тупроқ нураши, ўрмонлардан маҳрум бўлиш, тузли ёмғирлар, атмосфера ифлосланиши, озон қатлами бузилиши ва бошқа офатларни келтириб чиқармоқда. Натижада бутун дунёда экологик муҳитнинг ёмонлашуви билан боғлиқ турли-туман касалликлар сони ортиб бораёпти.

Шунинг учун ҳам соҳа мутахассислари, агар олди олинмас, биринчи навбатда, Яқин Шарқ, Африка, Осиёнинг катта қисми, Жанубий Европа ва Австралиянинг глобал иқлим ўзгаришлари туфайли жиддий ижтимоий моҳоролар ва муаммолар гирдобиде қолажагини таъкидламоқдалар.

Ҳақиқатан ҳам глобаллашув жараёнлари жаҳон сиёсий маконининг янгича кўриниш олиши ва тараққий этишига салбий таъсир кўрсатаёпти. Шу билан бирга, замонавий халқаро муносабатлар дунё халқлари ўртасидаги яқинлашув жараёнларини тезлаштириш, ҳамкорликни кучайтириш, мавжуд ижтимоий-сиёсий муаммолар, айниқса, минтақавий ва давлатлараро моҳороларни ҳал қилиш, қашшоқлик ва қолоқликни тугатиш, экологик хавфсизликни ҳамжихатликда таъминлашни талаб этаётди.

Тан олиш керак: экологик хавфсизликни таъминлаш, глобал иқлим исинининг олдини олиш масалалари инсоният олдида турган энг нозик, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт-мамот масаласига айланган бўлди. Рақамларга эътибор қилинг, 1980-2012 йилларда жаҳон иқтисодий табиий офатлар ва ҳалокатлардан кўрган зарар 3,8 триллион долларни ташкил этмоқда. Бу ҳақда Жаҳон банки Швейцариянинг қайта сугурталовчи Munich Re. компанияси маълумотларига таяниб хабар беради. Тадқиқ қилинган дастлабки даврда зарар йилига ўртача 50 миллиард долларни ташкил этган бўлса, охириги ўн йилликка келиб йилига 200 миллиардгача ўсган. 3,8 триллион зарарнинг учдан икки қисми 2,5 миллион



инсоннинг ёстигини қуритган довул, сув тошқинлари, қурғоқчилик ҳисобига тўғри келади.

Ақсарият мутахассислар Ер шарининг экотизими емирилиш арафасида турганини эътироф этиб, агар зудлик билан етарли чоралар кўрилмаса, дунё аввал кузатилмаган кенг миқёсда қурғоқчилик ва сув тошқинлари, вайронакор довуллар, юқумли тропик касалликлар, ҳарбий моҳоролар ва мислсиз миграция таҳдидларига дучор бўлиши мумкинлигини бот-бот такрорлай бошладилар. XX асрнинг иккинчи ярмидан экологияга нисбатан инсон омилларининг салбий таъсири, минераллашган сизот сувлари сатҳининг кўтарилиши, шўрланиш, табиий унсурлардан ногўри-фойдаланиш соҳага оид қонунлардаги камчилик хунук оқибатларни келтириб чиқараётганини таъкидламоқ жоиз. Айниқса, глобал иқлим исини инсониятни хавотирга солаётган асосий сабаблардан биридир. Мутахассислар таъкидлашларича, Ер ва Жаҳон океани атмосферасидаги йиллик ўртача ҳаво ҳароратининг аста-секин кўтарилиб боришига очик электростанциялар, автомобиль тугунлари, завод қурувлари ва бошқа ифлослантувчи манбалар ҳаво бўшлиғига йилига 22 млрд. тоннага яқин зарарли газларнинг чиқарилишига сабаб бўлаётган экан. Чорвачилик, ўғитдан фойдаланиш, кўмир ёқиши ва бошқа манбалар эса йилига 250 млн. тонна метан ҳосил қилаёпти. Энг ачинарлиси — инсоният томонидан ҳавога чиқариб ташланаётган барча иссиқлик газларининг ярмига яқини атмосферада қолиб кетаёпти. Японияда кучли ероси силкинишларининг юз бериши ва унинг ортидан Фуку-

сима АЭСида авария юз бериши ҳам экологияга мисли кўрилмаган тарзда зиён етказди.

БМТ ҳузуридаги иқлим ўзгаришларини ўрганувчи ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи маърузасида таъкидланишича, XXI аср охирига бориб, ердаги ўртача ҳарорат одатдагидан 6,4 даража юқори бўлади.

Мана шундай шароитда олимлар иқлим ўзгаришларига бағишланган музокаралар жараёнида сиёсатчиларни инсоният учун ўта хатарли лаҳзаларда бир ҳовуч қимсаларнинг манфаатларига ён бермасликка чақирмоқдалар. Дарҳақиқат, рақамларга кўз ташласак, Ер шароитининг ярмидан кўпроги чучук сув етишмайдиган ва қурғоқчилик ҳукм сураётган ҳудудларда яшамокда. Биргина Австралиядек табиий ва инсон омиллари оқибатида сугуриладиган ерларнинг 50 фоизи экин экишга яроқсиз ҳолатга келган. Норматив минерал ўғитлар, гербицидлар ва пестицидлар энг юқори нормалардан ҳатто ўнлаб баробар ортик микдорда фойдаланилган сайёраимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам вазият бундан-да оғир. Улар тупроқни, дарё, кўл, ер ости ва ичимли сувларни ифлослантirmoқдалар. Бундан ташқари, янги ерлардан фойдаланишда зарур технологияларга риоя қилинмаёпти. Тупроқ таркибидеги намлик даражаси ҳам ортаёпти. Бу эса унинг қайта шўрланишига олиб келмоқда. Турли кимёвий воситалар, зарарли моддалар ва минерал ўғитларни, саноят ва қурилиш материалларини сақлаш, ташиниш ва улардан фойдаланиш қоидаларининг қўпол равишда бузилиши ҳам ернинг ифлосланишига сабаб бўлмоқда.

Дарҳақиқат, тупроқ ҳолати ва унумдорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар барча мамлакатлар учун оғир муаммага айланган десак, муволага бўлмайди. ЮНЕСКО маълумотларига қараганда, сайёраимизда қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиладиган 1,5 миллиард гектар ернинг ҳар йили 6-7 миллион гектари деградацияга учираб, муомаладан чиқиб кетаётган табиий ва инсон омиллари оқибатида сугуриладиган ерларнинг 50 фоизи экин экишга яроқсиз ҳолатга келган. Норматив минерал ўғитлар, гербицидлар ва пестицидлар энг юқори нормалардан ҳатто ўнлаб баробар ортик микдорда фойдаланилган сайёраимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам вазият бундан-да оғир. Улар тупроқни, дарё, кўл, ер ости ва ичимли сувларни ифлослантirmoқдалар. Бундан ташқари, янги ерлардан фойдаланишда зарур технологияларга риоя қилинмаёпти. Тупроқ таркибидеги намлик даражаси ҳам ортаёпти. Бу эса унинг қайта шўрланишига олиб келмоқда. Турли кимёвий воситалар, зарарли моддалар ва минерал ўғитларни, саноят ва қурилиш материалларини сақлаш, ташиниш ва улардан фойдаланиш қоидаларининг қўпол равишда бузилиши ҳам ернинг ифлосланишига сабаб бўлмоқда.

Гавҳар НАЗАРОВА

Допингга қарши жазо чоралари кучайтирилди

Допингга қарши жаҳон агентлиги спорт ўйинларининг ҳаққоний ўтказилишини янада кучайтириш мақсадида янги кодекс қабул қилди. Агентлик масъул вакилларнинг маълумотига кўра, янги қоидалар асосида қувватни оширадиган дорилар истеъмол қилиш бўйича спортчиларга ҳар қачонгидан ҳам кескин чекловлар қўйилади.



Янги тартибга кўра, допинг қабул қилганларни спортдан четлаштириш мuddати икки йилдан тўрт йилга узайтирилган. Шунингдек, спортчиларга ёрдам берган мураббийлар ва уларнинг ёрдамчиларини жазолаш ҳам кўзда тутилган. Текширув ўтказилишига қаршилик кўрсатган спортчиларга алоҳида жазо чоралари қўлланилиб, ҳамкорлик қилганларга эса жазо тартиби енгиллаштирилади.

Агентликнинг яқинда истеъфого чиқадиган раҳбари Жон Фаҳнинг айтишича, янги қоидалар нафақат қаттиқ, балки адолатли ҳамдир.

— Атайлаб қоида бузганларга нисбатан жазони кучайтирдик. Спортчиларни жазолашга келганда, тартибни осонлаштирдик. Бу қарорга келишдан олдин ҳар томонлама ўйладик, — дейди агентлик раҳбари.


Ж.Фаҳнинг алоҳида таъкидлашича, ривожланаётган ва ривожланган мамлакатлар спортчиларига кодексда бир хил муносабат мавжуд: қайси давлатдан, қандай спорт тури билан шугулланишидан, эркак ёки аёл бўлишидан қатъий назар, қоидалар барча спортчилар учун бир хил бўлади. Қоида бузсангиз, бир хил жазо оласиз.

— Допингга қарши идора расмийларининг айтишича, жазо ва назорат чораларини кучайтиришни сўраб спортчиларнинг ўзлари мувожаат қилган. Агентлик бош котиби Дэвид Хоуменнинг таъкидлашича, қоидабузарларга тўрт йиллик таъқиқ қўллаш масаласи илк бор бундан 10 йил олдин кўтарилган эди.

Янги қоидалар 2015 йилдан қўлга киради ва 2016 йил Риоде-Жанейрода ўтадиган ёнги Олимпия ўйинларида тўла амалда бўлади.

Ёшлар орасида ишсизликка қарши курашилмоқда

Европа Иттифоқи ёшлар орасида ишсизликни камайитириш бўйича жиддий чоралар кўриш тароддудида. Иттифокнинг 28 аъзо давлатида 24 ёшгача бўлган фуқароларнинг қарийб учдан бири ишсиз экани маълум бўлди.



Франция президенти Франсуа Олланд Парижда “Ёшлар ишсизлиги саммити”ни ташкил этди. Аввалроқ Германия канцлери Ангела Меркел ҳам шундай форумга мезбонлик қилган эди.

— Бу ерда узоқ йиллар ишсизликдан азият чекаётган авлод келажаги ҳақида гап кетмоқда. Иқтисодий инқироз оқибатида бу авлод келажақ ҳақида янада умидсизликка тушган, — деди Франция раҳбари.

Президент Олланднинг айтишича, ҳозир Европада олти миллион ёш ишсиз. Франциянинг ўзида ишсизлик даражаси 11 фоиз бўлиб, бу борада аҳолини яхшилаш олмагани учун Олланднинг рейтингини кескин тушиб кетган.

Канцлер Ангела Меркелнинг фикрига кўра эса, иқтисодий ўсишни таъминлашдан туриб, янги иш ўринларини яратиб бўлмайди.

— Ўсиш янада яхшироқ бўлиши учун барча зарур чораларни кўряпмиз. Чунки тараққиётсиз янги иш ўрни яратилмайди. Бундан азият чекадиганлар, асосан, ёшлар бўлади, — дейди Меркел.

Германия канцлерининг айтишича, иттифокнинг энг катта муаммоси айнан ёшларнинг ишсизлиги бўлиши мумкин. Берлин саммитида келаси икки йил давомида ёшлар орасида ишсизликни камайитириш учун 8 миллиард доллар сарфлашга келишиб олинди.

Кўплаб таъкидлашнинг фикрича, ёшлар орасидаги ишсизлик фақат иқтисодий муаммо эмас. Бельгияда жойлашган Касабо уюшмалари федерацияси раҳбари Тибо Вебер масаланинг ижтимоий илдизларига эътибор қаратиш кераклигини таъкидлайди.

— Биз фақат бюджет учун эмас, балки иш билан таъминлаш каби ижтимоий масалалар учун ҳам масъулиятни ўз бўйига оладиган, кўпроқ ижтимоийлашган Европа қурилиши тарафдоримиз, — дейди у.

Ёшлар орасидаги ишсизлик аъзо давлатлар иқтисодийнинг нотенглиги билан ҳам боғлиқ. Испанияда 25 ёшдан кичик аҳолининг ярмидан кўпи ишсиз. Грецияда бу рақам 60 фоизга яқин. Европанинг энг кучли иқтисодийга эга Германияда эса ёшлар ишсизлиги фақат саккиз фоизни ташкил этади.

Ҳиндистонда илк аёллар банки ишга тушди

Ҳиндистонда хотин-қизларнинг иқтисодий хоётини яхшилаш мақсадида Мумбай шаҳрида махсус банкка асос солинди. Банкда ўз номига ҳисоб-рақамни очиб, уй-жой олиш ёки тадбиркорлик билан шугулланиш учун кредит олиш, пластик карточка очтириш сингари турли хизматлар бўйича кўникмага эга хотин-қизларга хизмат кўрсатилади. Муассаса мамлакат Бош вазири Манмохан Сингх ташаббуси билан ташкил этилди.




Ҳиндистон ҳукуматининг фикрича, аёллар учун махсус банк очилиши ҳинд аёлларининг иқтисодий саводхонлигини ошириб, эркакларга тобе бўлмасдан, мустақил фаолият юритиш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, банк аёлларни ишга қабул қилади. Маълум бўлишича, ҳинд аёллари ўзларининг барча даромадини турмуш ўртоғига топширади. Бу эса аксар ҳолларда пул маблағининг ноўрин тақсимланиши ва аёл ҳамда болаларнинг қашшоқ турмуш кечиришига олиб келмоқда. Асос солинган банк шундай оилалар ҳимояси учун хизмат қилади.

Ҳиндистонда йирик шаҳарларнинг барчасида ҳам банклар мавжуд эмас. Аҳолининг фақатгина 30 фоизи банк хизматларидан фойдаланиш имкониятига эгадир. Дунё бўйича бошқа давлатлардаги ушбу кўрсаткич ўртача 50 фоизни ташкил қилади. Шу боис мамлакат ҳукумати тез орада ушбу муаммони ҳал қилиш ниятида. Йил охирига қадар аҳоли яшаш жойлари атрофида 150 дан ортик банккоматлар ўрнатилиши белгиланган. Илк бора аёллар учун Махсус банк Эронда 2010 йилда очилган эди. Мамлакатнинг айрим шаҳарларида ҳайдовчилари аёллардан иборат бўлган такси хизмати ҳам мавжуд.

НАСА Марсга янги миссия жўнатди

АҚШ фазо агентлиги Марсга янги тадқиқот миссиясини жўнатди. НАСА тарқатган маълумотга кўра, “Мавен” орбитал апарат сомога Флоридадоги космодромдан учган. У қизил сайёрадаги атмосфера ва иқлимни текшириши кўзда тутилмоқда.



“Мавен” кemasидан саккизта махсус қурилма ўрин олган. Марсгача бўлган сафар жами саккиз ойни ташкил этиб, ҳаммаси жойида бўлса, кема манзилга кейинги йилнинг сентябр ойида етиб боради.

НАСА шу кунгача Марсга 20 марта экспедиция уюштирган. Шулардан 14 таси муваффақиятли чиққан. НАСА бош мутахассиси Майкл Меернинг айтишича, навбатдаги тадқиқот миллиардлаб йиллар илгари илқ ва нам бўлган Марс атмосферасининг нега бугун совуқ ва қуруқ планетага айланиб қолганини аниқлайди.

НАСА маълумотига кўра, “Мавен” Марс атмосферасини ўрганишга мўлжалланган биринчи фазо кемасидир. Илгари юборилган қурилмалардан, асосан, сайёра юзасини ўрганишда фойдаланилган.

Хотин-қизлар ҳуқуқларини

таъминлаш — доимий эътиборда

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишлаб "Хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш — доимий эътиборда" мавзусида республика анжумани ташкил этилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмиталари раислари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчилари, ҳуқуқшунос олимлар, экспертлар иштирок этди.

Республика "Нуроний" жамғармаси раиси Э.Боқибоев, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси бошқаруви раисининг ўринбосари Н.Миродилов ва, Ўзбекистон "Маҳалла" ҳайрия жамоат фонди бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Д.Аллаев, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилётган мамлакатни модернизация қилиш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида хотин-қизларга юксак ҳурмат ва эътибор кўрсатиш, уларнинг фаоллигини ошириш, айниқса, қизларни ўн икки йиллик таълим билан тўлиқ қамраб олиш борасидаги кенг қўламли ишлар муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги, оила, оналик ва болалик манфаатлари муҳофазаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, кўплаб ҳуқуқ ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1991 йил 27 декабрда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташкил этилган аёллар, оилалар ва болалар билан боғлиқ давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимизнинг 1995 йил 2 мартда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раисига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари ва жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари раисларига ҳоким ўринбосари мақоми берилди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси

Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 46-модда).

фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони аёлларни ижтимоий ҳимоялашга оид ишларни янада кучайтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, тадбиркорликка оид илғор ғоя ва ташаббусларини ҳаётга татбиқ этиш учун яқиндан кўмаклашиш, фаолиятини хотин-қизларга оид жамоат тузилмалари ишини доимий мувофиқлаштириш бўйича ҳокимнинг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилётган мамлакатни модернизация қилиш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида хотин-қизларга юксак ҳурмат ва эътибор кўрсатиш, уларнинг фаоллигини ошириш, айниқса, қизларни ўн икки йиллик таълим билан тўлиқ қамраб олиш борасидаги кенг қўламли ишлар муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги изчил ислохотлар самарасида "Соғлом она — соғлом бола" дастури умуммиллий ҳаракатга айланди. Нуфузли халқаро институтларнинг эътирофи этишича, Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Жаҳон рейтингига мамлакатимиз ёш авлод саломатлигига энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган ўн давлат сарфидан ўн олд.

Аҳоли генофондини яхшилаш борасида амалга оширилётган чора-тадбирлар натижасида аёлларнинг ўртача умри 66 ёшдан 73,5 ёшга узайди. Аналар ва гўдаклар ўлими 3 баробар камайди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид вазифаларнинг белгилангани аёллар масалалари билан шуғулланувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тобора кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотлари сони 2012 йилда 539 тага етди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси аёлларга оид давлат сиёсатини кенг жамоатчиликка етказиш, маъмур тизим фаолиятини янада жонлантириш, унинг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, аёлларнинг ижтимоий фаоллигига оид



янгиги ғоя ва ташаббусларни илгари суриш, ижтимоий аҳамиятга молик дастур ҳамда ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ушбу жамоат ташкилоти тизимида 208 худудий бўлинма, 43 мингга яқин бошланғич ташкилот фаолият қуртмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида хотин-қизлар, айниқса, қишлоқ аёллари учун муносиб турмуш шароити яратиш, ўсмир қизларга ғамхўрлик ва эътиборни кучайтириш, уларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш, касб-хўнарга йўналтириш, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга оид ишлар ҳажми янада ортди.

Хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган дастурлар самарасида 2013 йилнинг 9 ойи давомида 371,5 мингта янги иш ўрни яратилди. Уларнинг қарийб 90 фоизини хусусий сектор ҳиссасига тўғри келди. Утган даврда тижорат банклари томонидан тадбиркор аёлларга ажратилган микрокредитлар 499,5 миллиард сўмни ташкил этгани мамлакатимизда аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги эзгу ишлар қўлла-

мининг нақадар кенглигини тасдиқлайди.

2013 йилда фертил ёшдаги 7 миллиондан ортиқ аёл тиббий қўриқдан ўтказилди. Хотин-қизлар кўмиталари томонидан маҳалла ёшлари ўртасида ўз саломатлигига бўлган эътибор ва масъулиятни кучайтиришга, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш каби масалаларга доимий эътибор қаратмоқда.

Анжуманда хотин-қизлар кўмиталари тизимида фаолият кўрсатаётган раҳбар ходимларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий соҳалардаги савиясини юксалтириш борасида амалга оширилётган аниқ тадбирлар белгилаб олинди. Иштирокчилар Тошкент шаҳридаги намунали маҳаллалар фаолияти билан танишадилар. Анжуман доирасида "Тадбиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси" танлови ғолиблари тақдирланди.

Анжуманнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.


Назокат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири

Инновацион хабарлар

Ҳамкоримиз "XXI ASR TECHNOLOGICALS" илмий-оммабоп журналининг навбатдаги сони чоп этилди. Куйида журналда эълон қилинган айрим қизиқарли мақолалар билан танишасиз.

Янги транспорт воситаси

"SpaceX" компанияси йўловчиларни аэродинамик бошқарув элементларига эга қувурлар орқали махсус капсуларда ташишни кўзда тутувчи янги кўринишдаги транспорт тизими лойиҳасини тақдим этди.



Режага кўра, алюминий қотишмасидан тайёрланган ҳаво ёстиқчаларидаги йўловчи капсулалари ердан махсус устунлар воситасида кўтариб қўйиладиган паст босимли махсус қувурларда соатига 1220 километр тезликда ҳаракатланади. Лойиҳа муаллифлари икки турдаги — фақат йўловчиларни ташишга ва йўловчилар ҳамда уларнинг автомобилларини ташишга мўлжалланган капсулаларни таклиф қилишмоқда.

Носозлик юз берганда автоматик тарзда тўхтатиш тизими ишга тушади. Агар қурилмада сезилар-сезилмас носозлик рўй берса, капсуладаги махсус тизим белгиланган манзилгача етиб олиш имконини яратади, бироқ ҳолат жиддий тус олса, йўловчилар кислородли никоблардан фойдаланишлари мумкин.

"Hyperloop" муаллифлари уни Калифорниянинг икки йirik шаҳри — Лос Анжелес ва Сан-Франциско орасида йўлга қўйиш режалаштирмоқда. 6 миллиард АҚШ долларга баҳоланаётган лойиҳа ҳаётга татбиқ этиладиган бўлса, икки шаҳар орасидаги тахминан 600 километрлик масофани соатига 1220 километр тезликда ҳаракатланувчи капсулалар 35 дақиқада қосиб ўтиши мумкин.

Гапирадиган робот фазода

Японияликлар тарихда биринчи бўлиб гапирадиган роботни коинотга учиршиди.



"Kirobo" деб номланадиган мазкур технологик қурилма айни пайтда Халқаро космик станцияда фаолият юритаётган олти космонавтга ичимлик суви, озиқ-овқат, кийим-кечак ва эҳтиёж учун зарур бўлган бошқа маҳсулотларни олиб келмоқда. Лойиҳа муаллифининг айтишича, у орқали узок вақт жамиятдан айри ҳолда яшаётган одамларнинг машиналар билан қандай қилиб муносабатда киришиб кетиши ва ҳиссиётлари ўрганилади.


Ўта аниқ атом соати

Австралиянинг Янги Жанубий Уэльс, АҚШнинг Невада ҳамда Жоржия технология университетини олимлари биргаликда тўбдан янги схема асосида ишлайдиган атом соатларини таклиф қилдилар. Янги соатлар аввалгиларига қараганда юз баробар аниқроқ ишлаши билан ажралиб туради.

Маълумки, атом соатларида "маятник" вазифасини ядро атрофида айланадиган электронлар бажаради. Австралиялик ва америкалик олимлар ядро атрофида айланмаётган электронларни лазер ёрдамида шундай мослаштирилди, "маятник" вазифасини ядродаги нейтрон бажармоқда. Айнан мана шу йўл билан атом соатларининг аниқ юриши янада тақомиллаштирилди. Шу йўсинда бундай соатлар 14 миллиард йилда ўндан бир секундга хато қилиши мумкин.

Фаройиб аккумуляторлар

Маълумки, ҳозирги кунда яратилаётган энг замонавий аккумуляторларда нанотрубалардан фойдаланиш ҳисобига улар аввалги аккумуляторлардан 20 мартагача узокроқ муддат ишлашига эришилди.



Лекин, шуниси ҳам борки, ушбу литий ионли аккумуляторларнинг анод кутблари литий ионларининг кенгайиши таъсирида тез-тез ишдан чиқиши ҳолатлари учрамоқда. Стенфорд университети олимлари бундай аккумуляторлардаги нанотрубаларни тайёрлашда кремний элементидан фойдаланишни таклиф қилдилар. Тайёрланган нанотрубалар ўта мустаҳкам кремний икки окиси қатлами билан қопланади ва бу нанотрубаларнинг литий ионлари кенгайиши натижасида зарарланишидан сақлаб туради. Литий ионли аккумуляторлар одатда 600 мартагача қайта зарядлаш имкониятига эга бўлса, янги турдаги аккумуляторларни 6000 мартагача қайта зарядлаш ҳамда ишлатиш мумкин.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

Олов — тилсиз ёв

Пойтахтимизда Ички ишлар Бош Бошқармасининг ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари саъй-ҳаракатлари билан кўплаб ёнғинларнинг олди олинмоқда. Шундай бўлса-да, ҳазон ва чиқиндиларни ёқиб юбориш, шунингдек, газ ва электр усқуналаридан нотўғри фойдаланиш оқибатида ёнғинлар содир бўлиб турибди.

Республикамиз ҳудудида жорий йилнинг 20 ноябрь — 20 декабрь кунлари «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Ушбу ойлик давомида барча халқ ҳўжалиги ва иқтисодий тармоқлари, корхона, ташкилот-муассаса, шу билан бирга, фуқаролар яшаш жой-

ларида хавфсизлик чораларини кўриш, ёнғинга қарши чора-тадбирларни амалга ошириб, оммавий хавфсизликни таъминлаш бош мақсаддир.

Хусусан, пойтахтимиздаги маҳалла, йирик бозорлар ҳамда ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларида, стратегик



Э.ҚОСИМОВ, Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ муҳандиси, сержант

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Таҳрир хайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Мамазор ХУҲАМБЕРДИЕВ, Қозир ЖУРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Тошўлғат МАТИБАЕВ, Ашиер МУМИНОВ.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдулоти САЙБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Аxbорот, маънавият, хатлар ва ишқалар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (146); Қабۇлхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс; Котибият — 288-46-64 (144).

Навбатчи муҳаррир — И.Саҳатов. Навбатчи — Ф.Жураев.

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рuxсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgzt.uz
adolat_gazeta@mail.ru

НАШР КўРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

Газета Ўзбекистон Матбуот ва аxbорот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 1100. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғо бичими А-2. Адади — 7093

Босишга топшириш вақти — 22.45 Босишга топширилди — 00.25

1 2 3 5